БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 134 (1654)

8 ИЮЛЬ ЖУМА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ТАСС Ахбороти

Космосда тадқиқотлар ўтказмоқ учун Совет Иттифоқида кўп босқичли жуда катта учирувчи — ракеталарнинг янги синовлари 1960 йил 5 июлдан 31 июлга қадар бўлган давр ичида ўтказилиши лозимлиги хабар бериб ўтилган эди.

Белгиланган планга мувофиқ, 5 июлда шу ракеталардан бири учирилди. Ракетага белгиланган вақтнинг худди ўзида старт берилди. Ракета белгиланган программага жуда мувофиқ равишда учди.

Ракетанинг атмосферанинг қалин қатламлари орқали ўтишга мосланган охирги босқичининг макети старт берилган жойдан ўн уч минг километрга яқин узоқликдаги мақсадга тушиш учун белгиланган нуқтанинг бевосита яқинидаги сув юзасига бориб етди. Тинч океаннинг марказий қисмида турган ва турли ўлчов аппаратлари билан ускуналанган махсус кемалар программада кўзда тутилган ҳамма ўлчовларни ўтказдилар ва қимматли натижаларни қўлга киритдилар.

Экспериментал маълумотларни янада тўплаш мақсадида жуда зўр баллистик ракеталарнинг синовларини ўтказиш давом эттирилади. Ракеталар ТАСС нинг шу йил 29 июндаги ахборотида эълон қилинган зона доираси ичига бориб тушади.

СОВЕТ—АВСТРИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН ВА РИВОЖЛАНСИН!

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Австрияда бўлиши

ЛИНЦДА

ЛИНЦ, 4 июль. ТАСС махсус мухбирлари В. Шумский, Л. Степанов, Ю. Бажанов хабар қиладилар:

Австриядаги энг йирик саноат корхонаси «Фест» уруш тамом бўлганидан кейин национализация қилинган эди ва ҳозир у, Австрия давлат мулкининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. «Фест» Австрияда ишлаб чиқариладиган чўянинг учдан икки қисмини ва пўлатнинг ярмидан кўпроғини беради. «Фест» заводларида кислород пуфлаш йўли билан пўлат ишлаб чиқаришнинг эффектив методи ишлаб чиқилган эди, бу методдан ҳозир бошқа мамлакатларда ҳам фойдаланилмоқда. «Фест» заводларида 18.000 ишчи ва хизматчи ишлайди, буларнинг кўпчилиги социалистлар ва коммунистлардир. «Фест» — ўзининг мустаҳкам жанговар традициялари билан ном чиқарган Линцнинг ишчи юрагидир.

«Фест» Совет Иттифоқи билан кенг иқтисодий алоқалар ўрнатган. У, жумладан, СССРга қора металл прокатлари экспорт қилади ва унинг ўрнига тошкўмир, кокс, темир ва хром руداси олади.

«Фест»нинг асосий заводида федерал канцлер Ю. Рааб ва вице-канцлер Б. Питтерман ҳамроҳлигидаги меҳмонларни дирекция вакиллари инженерлар ва ишчилар кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев ва унинг рафиқасига гулдасталар тақдим қилдилар. Заводнинг бош директори Вальтер Хитцингер ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У ўз заводининг Совет Иттифоқи билан мустаҳкам иқтисодий алоқалари ҳақида гапирди.

Техника директори доктор Вайн заводнинг схема плани ёнига келиб, цехларни қўздан кечиришдан олдин комбинатнинг энг муҳим ишлаб чиқариш секторлари билан таништиради. «Фест» тепловой станциясига, кокс заводига, бешта домна печига, мартен печларига, қуюв цехига, прокат станига, темирчилик ва бошқа цехларга эга.

Сўнгра меҳмонлар автобусларга тушиб, пўлат эритиш цехи томонига жўнайдилар. Н. С. Хрушчевни ишчилар қарсаклар ва «ура» хитоблари билан кутиб оладилар. Меҳмонларга кислород пуфлаш усули намойиш қилинади.

Навбатдаги цех — прокат цехи. Пўлат прокат станлари ўрнатилган жуда катта залларга комбинезон, махсус кийимлар кийган ва қуруқ майкадаги ишчилар юқориоқ жойга чиқиб олиб, Н. С. Хрушчевни дўстона табриклайдилар. Ишчилардан кимдир Н. С. Хрушчевнинг суратини олади. Унга бир неча ўртоғи ёрдам беради.

Н. С. Хрушчев прокат стани, вальцовка иши билан батафсил танишади, темир тахталар тайёрлашни бир неча минут кузатиб туради. Шундан кейин у завод амбулаториясини кўздан кечирди.

Заводнинг катта ошхонасида ўнларча столга дастурхон ёзилган. Бу ерда вице-канцлер Б. Питтерман Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди. Зал меҳмонлар — «Фест» маъмурияти, инженерлар, ишчилар, шаҳар маъмурлари, матбуотнинг кўпгина вакиллари билан лиқ тўлди.

Зиёфат вақтида биринчи бўлиб вице-канцлер Б. Питтерман нутқ сўзлайди.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ёркин нутқ сўзлади.

ЗАЛЬЦБУРГДА

ЗАЛЬЦБУРГ, 4 июль. ТАСС махсус мухбирлари В. Шумский ва Л. Степанов хабар берадилар: Бугун кечқурун Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Зальцбург вилоятининг пойтахти Зальцбург шаҳрига келдилар. Совет меҳмонлари ўтиб бораётган кўчаларда шаҳар аҳолиси совет халқининг вакилларини қизғин табриклаб турди.

Н. С. Хрушчев Вольфганг Амадей Моцартнинг уй-музейига йўл олади. Австриянинг улуғ композитори шу уйда туғилган ва болалик даврини шу уйда ўтказган. Музей директори Бруно Ханч Н. С. Хрушчевга қарата нутқ сўзлади. У, Н. С. Хрушчевнинг ва йўлдошларининг Моцарт уй-музейини келиб кўриш билан гениал композиторнинг хотирасини ва

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Австрияда бўлиши. Суратда: Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари «Терезиенбад» сув шифохонасини кўздан кечирмоқдалар.

ТАСС махсус фотокорреспонденти В. Кошевой фотоси (фото телеграф орқали олинди).

унинг чуқур халқчил ижодини ҳурматлаганликларини кўрсатдилар, деб ҳисоблайман, деди. Н. С. Хрушчев Моцарт уй-музейининг экспонатлари билан батафсил танишиб чиқди. Жумладан, у Тбилиси шаҳридаги 11-ҳунар мактабининг ўқувчилари улуғ композиторнинг суратини миссга ўйиб ясаганликларига эътиборни жалб қилди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Чайковский балети «Оқ қуш қўли»нинг ва Прокофьевнинг балети «Ромео ва Жульетта»нинг музикаси ёзилган граммпластинкаларни уй-музейга ҳадя қилди.

Шундан сўнг Н. С. Хрушчев уй-музейнинг ҳурматли меҳмонлари қўл қўйдиган дафтарга имзо чекди.

Н. С. Хрушчев Моцартнинг уй-музейини томоша қилиб юрган вақтда шу уй ёнидаги майдонда тўпланган кишилар Никита Сергеевични чақира бошладилар, у дераза олдига келди ва кўп минглаб кишиларнинг маъкуллаган садолари остида «Фройндшафт» деб немисча хитоб қилади.

Шундан сўнг Н. С. Хрушчев Моцарт музейини келиб кўриш имкониятини берилганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур билдиради ва музейда изоҳлар бериб юрган кишилар билан самимий хайрлашади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Зальцбургда ҳар йил ёзда ўтказиладиган традицион музика фестивăллари учун қурилган янги концерт залини бориб кўрдилар. Концерт залига кира беришдаёқ Австрия—Совет жамиятининг вакиллари Н. С. Хрушчевни ва унинг рафиқасини қизғин табрикладилар.

Саҳна техникасининг охирги муваффақиятлари асосида қурилган концерт залида Н. С. Хрушчевни Моцарт куйларини ижро этиб кутиб олдилар. Концерт залининг директори Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлиб юриб, унга бутун Ғарбий Европада энг мукаммал ва машиналар ёрдами билан бошқарилиши жиҳатидан энг катта саҳна деб ҳисобланган бу саҳнанинг тузилиши тўғрисида изоҳлар берди. Н. С. Хрушчев Зальцбургнинг янги концерт залига яхши баҳо бериб, уни мақтади.

Зальцбург вилоятн ҳукуматининг бошлиғи И. Клаус ва Зальцбург шаҳрининг бургомистри А. Бек ўлка ҳукуматининг резиденциясида Н. С. Хрушчев шарафига катта қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросимида федерал канцлер Ю. Рааб, вилоят ҳукуматининг аъзолари ва Зальцбург шаҳри сенатининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан А. Н. Косигин, Е. А. Фурцева, А. А. Громико ва бошқалар ҳозир бўлдилар. Зальцбург вилояти ҳукуматининг аъзоларини ва шаҳар сенаторларини Н. С. Хрушчевга таништирдилар. Қабул маросимида Зальцбург вилояти ҳукуматининг бошлиғи И. Клаус ва Зальцбург бургомистри А. Бек нутқ сўзладилар.

Сўнгра маросимда ҳозир бўлганлар томонидан қизғин кутиб олинган Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

КАПРУНДА

ВЕНА, 5 июль. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 9 да (Москва вақти билан соат 11 да) СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари ўзлари тунаб қолган Фушль қалъасидан Капрунга жўнаб кетдилар.

КАПРУН, 5 июль. ТАСС мухбирлари В. Шумский ва Л. Степанов хабар берадилар: Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Зальцбург вилояти бўйлаб сафар қилишни давом эттирмоқдалар. Зальцбург ўлка ҳукуматининг бошлиғи Клаус совет меҳмонларига ҳамроҳ бўлиб юрибди.

Альп тоғлари орасида қўранг лента каби чўзилган тош йўл бўйлаб машиналар колоннаси ўтиб бормоқда.

Тоғларда ва водийларда, ҳар бир шаҳарда ва ҳар бир қишлоқда одамлар йўл бўйига чиқиб Н. С. Хрушчевни қизғин табриклямоқдалар. Ўзининг оғир ишини ташлаб чиққан деҳқонлар, маҳаллий заводларнинг ишчилари, фартуклар кийиб олган усталар, кўк шляпалик ўрмончилар, шунингдек чет эл туристлари йўл бўйларида турибдилар. Одамлар гуллар кўтариб чиқмоқдалар. Кўчалар миллий байроқлар билан безатилган, уйларнинг у бошидан-бу бошига гул шодалари осилган. Баъзи қишлоқларда кўчага кўйдаларг қилиб осиб қўйилган қизил алвонларга шиорлар ва табриклар ёзилган. Бу алвонларда рус тилида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Биз Хрушчевни табриклаймиз!», «Тинчлик, дўстлик!», «Тинчлик ва қуролсизланиш!», «Совет Иттифоқига салом!», «Хуш келибсиз!».

Машиналар йўл бўйидаги Имлау деган кичкина қишлоқ олдида тўхтайди. Қишлоқ аҳолиси карвонсарой хўжайини бошчилигида кўчага чиқиб Н. С. Хрушчевни муштоқ бўлиб кутилган меҳмон сифатида табриклайди. Болалар Никита Сергеевичга ва Нина Петровнага гулдасталар тақдим этадилар. Болалардан бири Никита Сергеевичнинг бўйнига осилиб олиб, уни сира қўйиб юборгиси келмайди. Ҳамма хурсанд бўлади.

Н. С. Хрушчевнинг сафари планида Тироль вилоятига бориш имконияти йўқлиги сабабли бу вилоят делегацияси плакатлар кўтариб Лора қишлоғида Совет ҳукумати бошлигининг йўлига чиқди.

Кундуз куни совет меҳмонлари Капрундаги баланд тоғ тепасидаги гидроэлектростанцияга бордилар. Бу иншоот 1939 йилдан бошлаб қурилди ва 1956 йилда битказилди. Бу иншоотни қуришга жуда кўп моддий маблағ кетди, шу билан бирга кўп киши қурбон бўлди: уруш вақтида герман фашистлари кўп мамлакатларнинг гражданларини шу ерга ҳайдаб олиб келиб, станция қурилишида ишлатдилар. Капрун атрофидаги қабристонда совет гражданларидан 86 киши дафн қилинган. Қурилишда ишлаб ҳалоқ бўлган ишчилар учун ҳозир Капрун территориясида ёдгорлик қурилмоқда. Бу гидроэлектростанциянинг ўртача қуввати 332 минг киловатт. Станция бир йилда 650 миллион киловатт-соат электр энергия беради. Станцияда бир сменада 14 киши ишлайди, холос.

Гидроэлектростанция жойлашган тоғнинг этагида Н. С. Хрушчевни транспорт ва электростанциялар министри К. Вальдбруннер кутиб олди.

У, меҳмонларнинг дам олишини сўради ва дастурхонга таклиф қилди.

Зиёфат вақтида Е. Вальдбруннер нутқ сўзлади. Сизнинг бу визитингиздан биз жуда хурсандмиз, дейди у, чунки электростанциялардаги ишчиларимиз ва хизматчиларимиз Капрун гидроэлектростанцияси билан фахрланадилар. Сизнинг Австрия бўйлаб қилаётган саёҳатингизда вақтингиз жуда зиқ, шу сабабли сиз фурсат топиб бу ерга келганлигингизни гоят қадрлаймиз.

Министр Вальдбруннер Совет ҳукумати бошлиғининг ва унинг рафиқасининг соғлиғи учун, шунингдек зиёфатда ҳозир бўлган ҳамма кишиларнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлайди.

Н. С. Хрушчев бундай дейди:

Ҳурматли жаноб министр Карл Карлович!

Ҳурматли жаноб директор!

Бизни яхши зиёфат қилаётган Зальцбург ўлкасининг бошлиғи ҳурматли жаноб ҳукумат бошлиғи Клаус!

Ҳонимлар ва жаноблар!

Баланд тоғ тепасидаги Капрун гидроэлектростанцияси билан ҳали танишганимиз йўқ. Лекин бу ерга келиб кетган мутахассисларимиздан бу электростанция ҳақида кўп гапларни эшитганман. Улар, Капрун Австрия инженер-техник олимларининг жуда катта муваффақияти эканлигини, қурилиш санъатининг юксак даражага эришганлигидан далолат берувчи кўрсаткич эканлигини айтган эдилар. Биз тоғнинг қийин шароитларида мураккаб техника вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиб, Европадаги энг замонавий гидроэлектростанциялардан бирини вужудга келтирган Австрия инженерлари, техниклари ва ишчиларининг маҳоратларига қойилмиз.

Сизларга маълумки, Совет Иттифоқида энергетикани ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Халкимиз ўз мамлакатини электрлаштириш ишида қандай муваффақиятларга эришганлигини кўрсатмоқ учун мен фақат бир неча рақамнигина айтиб ўтмоқчиман. Совет Иттифоқининг электростанциялари 1959 йилда 264 миллиард киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқарди. Электроэнергия ишлаб чиқариш соҳасида ҳозир бизнинг мамлакатимиз жаҳонда иккинчи ўринни олиб турибди ва Англия, Франция ҳамда Ғарбий Германияда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиянинг ҳаммасига тенг келадиган миқдорда электроэнергия ишлаб чиқармоқда. 1965 йилда Совет Иттифоқида электроэнергия ишлаб чиқариш 500—520 миллиард киловатт-соатга етказилади, электростанцияларда ўрнатилган қувват эса ўша вақтга бориб икки баравардан зиёдроқ кўпаяди.

Вақтдан ютмоқ ва капитал маблағлардан энг самарали қилиб фойдаланмоқ учун бизнинг етти йиллик планимиз ёқилги билан ишлайдиган электростанцияларни кўпроқ қуришни кўзда тутади, лекин шу билан бир қаторда биз гидроэлектростанцияларни ҳам кенг миқёсда қурмоқдамиз ва қураберамиз. Сизлар шуларнинг баъзилари тўғрисида эшитган бўлсаларингиз керак. Братск, Сталинград ва Красноярск гидроэлектростанцияларининг қуввати ҳозир жаҳонда энг катта гидроэлектростанция деб ҳисобланган ва ишга туширилган Куйбишев гидроэлектростанциясининг қувватидан анча ошиб кетади. Братск гидроэлектростанциясининг қуввати 3600 минг киловаттни ташкил этади, Красноярск гидроэлектростанциясининг қуввати эса 5 миллион киловаттдан ошиб кетади.

Совет ишчилари, инженерлари ва техниклари электростанцияларнинг лойиҳаларини тузиш ва уларни индустриал методлар билан қуриш ишида катта тажриба орттирдилар. Биз бу тажрибаларни бошқа мамлакатларга бажонидил ўргатмоқдамиз. Масалан, Мисрда бизнинг лойиҳамиз билан Совет Иттифоқининг ёрдами билан баланд Асуан тўғони ва катта гидроэлектростанция қурилмоқда.

Биз бу соҳада Австрия билан бўлаётган илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтиришга тайёрмиз. Тоғларда электростанциялар қуриш соҳасида бизнинг катта, кўп йиллик тажрибамиз бор. Биз ҳам бу типдаги электростанцияларни Кавказда, Ўрта Осиё республикаларида қурганмиз ва қурмоқдамиз. Бинобарин, қурилишни энг рационал равишда ташкил этиш соҳасидаги тажрибаларни айтиб бошлашдан ва инженерлик нуқтаи назаридан энг муваффақиятли бўлиб чиққан тажрибалардан фойдаланишдан бизнинг ҳар иккала мамлакатимиз манфаатдордир, деб ўйлайман.

Бетараф Австриянинг тинч меҳнатда янада муваффақиятлар қозониши учун, Австрия ишчилари, инженерлари ва техникларининг янги муваффақиятлари учун, Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасидаги илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтириш учун, сиз жанобларнинг соғлиқларингиз учун, сиз Карл Карловичнинг соғлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлайди.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи қизғин олқишлар билан кутиб олинди. Шундан сўнг мезбон ва меҳмонлар бир-бирларига эсдалик совғалари тақдим этдилар.

Сўнгра меҳмонлар Капрун гидроэлектростанциясини томоша қила бошладилар.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Капрун гидроэлектростанциясини кўриб бўлганларидан кейин мамлакат бўйлаб қилаётган саёҳатларини давом эттирадилар. Бу safar қатнашчиларининг ҳаммаси ўзининг шифоли булоқлари билан машҳур бўлган Бад-Гаштейн курорт шаҳарчасини кўриб чиққанларидан кейин, темир йўл вагонларида саёҳатни давом эттирадилар. Пассажирлар поезднинг жўнашини кутиб турганларида шаҳарча аҳолиси Н. С. Хрушчев тушган вагон олдига келади. У деразаси олдида туриб шаҳар аҳолиси билан яхши таништ ардек суҳбатлашади. Поезд йўлга тушади. Н. С. Хрушчев одамлар билан хайрлашар экан, мамлакатингиздаги кишилар яхши одамлар экан, мамлакатингиз ўзи ҳам гўзал. Дўст бўлиб яшайлик! дейди.

Электр поезд 8 километрлик Тауэр туннели ичидан ғизиллаб ўтиб кетади. Вагонлар қоронгиликдан яна ёруққа чиқиб оладилар. Бу жойда маршрут йўлидаги янги вилоят—Каринтия бошланади. Ўлка ҳукуматининг бошлиғи Ф. Веденг Н. С. Хрушчевни кутиб олиб, вилоят бўйлаб қилинган сафарда унга ҳамроҳ бўлиб юради.

Сўнгра меҳмонлар автобусларга тушиб Филлах шаҳрига бордилар. Бу ерда шаҳарча аҳолиси Н. С. Хрушчевни самимий кутиб олди.

Меҳмонхона олдида меҳмонларни делегациялар табрик сўзлари ва совғалар билан кутиб турган эдилар.

Кончилар делегацияси Н. С. Хрушчевга мурожаат қилади. Делегация вакили дейдики, кончилар Н. С. Хрушчевни ўзлари учун аввало, касбдош деб, собиқ шахтёр деб биладилар. Улар Н. С. Хрушчевга тинчлик учун қилган ҳаммаишлари учун ташаккур изҳор қиладилар. Кончилар Н. С. Хрушчевдан ўз корхоналарини кўришни илтимос қиладилар.

Н. С. Хрушчев билан кончилар самимий суҳбатлашдилар ва бир-бирларига совғалар бердилар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев маҳаллий темир йўлчиларнинг делегациясини қабул қилди. Улар ҳам Н. С. Хрушчевга тинчлик йўлида ҳар май-толмай курашаётганлиги учун ташаккур изҳор қилдилар. Н. С. Хрушчев совет йўлдошларининг моделини темир йўлчиларга ҳадя қилар экан, ҳазиллашиб бундай дейди: Акс ҳолда сизлар мени собиқ шахтёр бўлганим учун фақат кончиларгагина совғалар беради, деб ўйлашларингиз мумкин, лекин мен темир йўлчиларнинг меҳнатини ҳам ҳурматлайман. Ишчиларнинг ҳаммаси фойдали иш қилаётган ишчилардир. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига қардош. Шахтёрлар бўлмаса темир йўлчиларнинг ишлари юриш майди, темир йўлчилар бўлмаса шахтёрларнинг ҳам ишлари юриш майди. Ишчиларнинг ҳаммаси инсониятнинг бахт-саодати учун меҳнат қилмоқдалар.

Сўнгра Филлах хотин-қизларининг делегацияси совет меҳмонлари. Н. С. Хрушчев ва унинг рафиқаси Нина Петровна ҳузурига келади. Улар ҳам совет меҳмонларини қизғин табриклайдилар ва ўзларининг оз бўлса ҳам таъсирли тухфаларини тортиқ қиладилар.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари турган катта меҳмонхона олдидаги кўчада жуда кўп одам тўпланган. Ҳамма ҳурматли совет меҳмонини кўргиси келади. Н. С. Хрушчевга яна ҳамроҳлик қилиш учун федерал—канцлер Ю. Рааб Филлахга келди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ФИЛЛАХДА

ФИЛЛАХ, 5 июль. ТАСС махсус мухбирлари В. Шумский ва Л. Степанов хабар берадилар:

СССР Министрлар Советининг Раиси ХРУШЧЕВ жаноб олийларига

МОСКВА

Мен мамлакатингизда ўтказилган унитилмас икки ҳафтадан кейин ҳозиргина Тошкентдан ватанимга жўнаб кетдим. Сиз ва Сизнинг халқингиз Совет Иттифоқининг ҳамма жойида мени самимий кутиб олганингиз учун Сизга қизғин ташаккур айтишни истар эдим. Энди мен Сизнинг мақсадларингиз ва идеаларингизни ҳамда сизларнинг муваффақиятларингизни равшан тушундим. Сизнинг фаолиятингизда Сизга муваффақиятлар, халқингизга бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ражендра ПРАСАД,
Ҳиндистон Республикасининг Президенти.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси БРЕЖНЕВ жаноб олийларига

МОСКВА

Дўстона мамлакатингиздан кета туриб, Сизга ва Сизнинг коллегаларингизга совет халқи Сизнинг улуғ мамлакатингизда сафар қилиб юрган вақтимда мени ва йўлдошларимни самимият ва қизғин меҳмондўстлик билан кутиб олганликлари учун ўзимнинг самимий ташаккуримни изҳор қиламан. Сизларнинг мамлакатингизни келиб кўришга ва сизларнинг ҳамма соҳаларда эришган жуда катта тараққиётингизни аққол кўриб қаноат ҳосил қилишга муяссар бўлганлигим учун бахтиёрман. Менинг бу сафарим ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини таҳкам ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, деб умид қиламан. Совет халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ражендра ПРАСАД,
Ҳиндистон Республикасининг Президенти.

Тошкент, 1960 йил 5 июль.

Вена. 1 июлда Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Флоридсдорф ишчи районида жойлашган «Австро-фиат» номи билан машҳур бўлган мамлакатдаги энг йирик автомобиль заводида бўлдилар. Завод кўздан кечирилгач, митинг бўлиб ўтди. Суратда: автозавод ишчилари Н. С. Хрушчевни табриклямоқдалар.

ТАСС махсус фотокорреспонденти В. Кошевой фотоси (фото- телеграф орқали олинди).

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Австрияда бўлиши

Ишчиларимизнинг иши ғалаба қилади!

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совет ҳукумати Бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Австрия бўйлаб қилаётган саёҳати тугай деб қолди. Никита Сергеевич Иббс-Парсенбойгда яқинда қурилган гидроэлектростанциянинг ишчилари ва инженерлари билан учрашди, Маутхаузенда гитлерчилар асоратига қаршилик ҳаракатининг қатнашчиларидан минглаб кишилар ва Маутхаузен зиндонларида азоб тортган собиқ тутқунлар Н. С. Хрушчев билан учрашмоқ учун келдилар, Динцда Совет ҳукуматининг Бошлиғини «Фест» металлургия заводининг ишчилари ва инженерлари жуда самимий кутиб олдидар. Зальцбургда шаҳар аҳолиси Н. С. Хрушчевни табрикламоқ учун Моцарт уйи яқинидаги ўрта асрдан қолган тор кўчаларни лиқ тўлдириб тўпландилар, Капрунда Никита Сергеевич тоғ гидроэлектростанциясининг бинокорлари билан учрашди ва улар Никита Сергеевични қизғин табрикладилар, — бу шаҳарлар энди орқада қолди.

Ўша жойларда нақадар тўлқинлантирувчи учрашувлар, нақадар самимий дўстона суҳбатлар бўлди! Деярлик ҳамма жойда Австрия касаба союзлари арбобларининг йиғилишларида ёки Австрия-Совет жамияти вакиллари билан бўлган учрашувида ҳам, ёхуд деҳқон фермасида, расмий қабул маросимида ҳам, ёхуд шаҳарлар ёки қишлоқларнинг аҳолиси билан кўчаларда бўлган тасодифий учрашувларда ҳам — ҳамма жойда Австрия меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевга тинчлик учун қормас курашчи, меҳнаткашларнинг содиқ дўсти деб мурожаат қилмоқдалар. Улар Н. С. Хрушчевнинг сўзларига диққат билан қулоқ солдилар, у билан ўртоқларча, самимий суҳбатлашдилар. Шу суҳбатларнинг ҳаммасида битта мавзу, битта фикр ифодаланди: тагин ҳам яхшироқ дўст бўлайлик, ҳамкорлик қилайлик, тинчлик учун курашда бир-биримизга тагин ҳам яқин турайлик, — деган идея ўз ифодасини топди. Австрияликлар Н. С. Хрушчевни социал тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун, тинчлик ва социализм улуғ ишининг ғалабаси учун қормас курашчи деб билдилар ва ҳурматладилар. Улар ҳамма жойда Совет Иттифоқига, совет халқига, Совет ҳукуматига ва унинг бошлиғи Н. С. Хрушчевга ўзларининг самимий чуқур ишончларини изҳор қилмоқдалар.

Кеча кечга яқин Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари узоқ сафардан сўнг Австриядаги Филлах деган кичкина шаҳарга келдилар. Бу шаҳар саноат районининг маркази ва айни вақтда туристларнинг севиб зайр қиладиган жойларидан бири бўлиб, жуда хушманзара ерга жойлашган.

«Парк-отель» меҳмонхонасида Австрия Республикасининг федерал канцлери Ю. Рааб Н. С. Хрушчевни кутиб турган эди. Маълумки, у, Совет ҳукуматининг бошлиғига бу саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрибди.

Меҳмонхона олдида эса, шаҳарнинг минглаб аҳолиси Никита Сергеевични кутмоқда эди. Кўчалар минглаб-минглаб кишилар билан лиқ тўлган. Улар тинмай қарсак чалар, совет ва Австрия байроқчаларини ҳилпиратар, табрик сўзларини айтиб, хитоб қилар эдилар.

Меҳмонхонанинг жуда кенг вестибюли одатдан ташқари гавжум эди. Бу одамлар совет меҳмонларини табрикламоқ учун келганлар, уларнинг орасида меҳнаткашларнинг жуда кўп делегациялари ҳам бор. Ниҳоят, тўлқинлантирувчи янги учрашувлар бирин-кетин бошланиб кетди.

СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси филлахдаги шу учрашувлар ва суҳбатлар тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди.

Клейбергдан келган кончилар делегацияси Н. С. Хрушчевни биринчи бўлиб табриклади. Шахтёрлар поляк кончиларининг формаларига ўхшаш ўзларининг традицион формаларини кийиб олганлар. Уларнинг эгнида қора мундир ва бошларида укпар қадалган чўзиқ шапкача.

Делегация бошлиғи Карл Рейтер Никита Сергеевичга мурожаат қилиб тўлқинланган ҳолда бундай деди:

— Азиз ўртоқ Хрушчев, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бош министри, биз Клейберг қўрғошин конларининг ишчилари сени табриклаймиз. Сени бош министр деб, лекин, аввало, собиқ кончи деб табриклаймиз ва сенга кончиларнинг саломини топшириб, «глюк ауф!» деймиз. Биз, кончилар, тинчлик тарафдоримиз. Бизнинг меҳнатимиз қўрғошин қазиб чиқаришдир. Биз бу қўрғошиннинг фақат тинчлик ишига хизмат қилишини истаймиз.

Кончилар делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчевдан Клейберг ишчиларининг номидан илтимос қилиб, қўрғошин конига меҳмон бўлиб боришни сўрайди.

Сиз бизнинг конимизга борсангиз, биз учун катта шараф бўлур эди. Сиз иш билан жуда банд эканлигингизни биламиз, лекин бизнинг ҳузуримизга бормоқ учун эҳтимол бир оз фурсат топарсиз. Биз Сизга муваффақиятлар тилаймиз, бутун дунё кончиларига бахт-саодат тилаймиз, ер юзидаги ҳамма кишиларга бахт-саодат тилаймиз.

Делегация қўрғошин кони ишчилари юборган қўрғошин руда кристалларининг намуналарини Н. С. Хрушчевга кончилар номидан тортиқ қилади. «Бу арзимас совғани қабул қилгайсиз», деди тортиқ берётган ишчи табассум қилиб.

Н. С. Хрушчев кристаллар солинган оғир яшчикни қўлида салмоқлаб кўриб, уларнинг гапига жавобан дейди:

— Қўрғошинлиги сезилиб турибди.

Никита Сергеевич шахтёрларга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Азиз ўртоқлар! Сизларнинг менга собиқ кончи сифатида мурожаат қилиб айтган табрик сўзларингизни эшитиб, айниқса хурсанд бўлдим.

Мен шахтёрнинг меҳнати қанақалигини биламан, бу меҳнатнинг қадрига етганман ва ҳозир ҳам қадрлайман. Совет Иттифоқида биз бу меҳнатни енгиллаштирмоқ учун ҳамма чораларни кўрдик. Бизнинг шахтёрларимиз энг қисқа иш кунига эга бўлиб қолдилар. Улар ер остида кунига олти соат ишлайдилар, қолган ишчилар эса етти соат ишлайди. 1964 йилда 7 соатлик иш кунидан 6 соатлик иш кунига ўта бошлаймиз, шахтёрлар эса 6 соатлик иш кунидан 5 соатлик иш кунига ўтадилар, чунки шахтёрнинг меҳнати қандай меҳнатлигини биламиз.

Кончилар бу гапни эшитиб, ҳаракатга келадилар, чеҳралари хурсандлик табассуми билан қопланади.

— Эртага сизларнинг ҳузурингизга бора олармикинман, буни аниқ айтолмайман, чунки мен бу ерда меҳмонман ва менда ихтиёр йўқ. Протоколда қаёққа бориш кўрсатилган бўлса, шу ёққа бораман. **(Шодиёна жонланиш).** Гарчи сизларнинг мамлакатингиз унча катта бўлмаса ҳам, лекин бу мамлакатда қизиқарли нарсалар кўп, шуларнинг ҳаммасини кўргинг келади, киши. Башарти сизларнинг ҳузурингизга бориш имконини тополмасам, сизлардан илтимосим шуки, шахтёрларга мендан салом айтиб қўйинглар. Уруш бўлмаслиги учун тинчлик йўлида биргалашиб курашайлик. Сизларга чин кўнгилдан муваффақият тилайман.

Қизғин қарсаклар бошланади.

— Сизлардан илтимосим шуки азиз дўстлар, деди Н. С. Хрушчев, бу учрашув тўғрисида эдалик бўлсин деб сизлар ҳам мендан значокларимизни ва Совет Иттифоқида учирилган Ер йўлдошининг моделини қабул қилиб олинглар.

Н. С. Хрушчев йўлдош моделининг музикали механизмини калид билан бураб юборади, шу пайтда моделдан оҳангдор сигналлар эшитила бошлайди. Яна ҳамма қарсак чалиб юборади. Ишчилар совғаларни қувониб қабул қиладилар.

Н. С. Хрушчев билан учрашмоқ учун ўз формасини кийган темир йўлчилар делегацияси келади. Делегация бошлиғи ўртоқ Карл Нейвирт Никита Сергеевичга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Социалистик Совет Иттифоқининг ҳурматли Бош министри ўртоқ Хрушчев! Бизнинг Филлах шаҳримиз — темир йўлчилар шаҳри. Биз сизни чин кўнгилдан табриклаймиз ва ҳамма вақт тинчлик иши учун курашиб келганлигингиз ва курашаётганлигингиз учун Сизга ўзимизнинг ташаккуримизни айтмоқчимиз. Сиз тинчлик йўлида актив иш олиб бораётганлигингиз туфайли, биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш вазифаларимизни тинчлик шароитида ҳал қилиш имкониятига эга бўлиб турибмиз.

Австрия билан Давлат шартномаси тузиш ишида кўрсатган хизматларингиз учун ҳам Сизга ташаккур айтамиз. Биз Давлат шартномаси Сизнинг ғайратингиз туфайли тузилганлигини биламиз, шунинг учун ҳам биз тинчлик шароитида яшаб турибмиз.

Совет Иттифоқи тинчликнинг таянчи бўлганлиги учун ҳам Сизга ташаккур айтамиз, худди шу туфайли Америка учувчилари энди бетараф Австрия тепасида учолмайдиган бўлиб қолдилар.

Жаҳонда биринчи ишчилар давлатининг вакили бўлган Сиз ўртоқ Хрушчевдан бундан буён ҳам халқларнинг тинчлик ва эркинлик шароитида яшай олишлари учун тинмай курашишингизни илтимос қиламиз.

Темир йўлчилар Н. С. Хрушчевга гуллар тақдим қиладилар. Никита Сергеевич ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Темир йўлчи азиз ўртоқлар! Сизлар ишлаётган транспорт мамлакатнинг бамисоли ҳаёт томиридир. Организмнинг веналари ва артерияларида қон юриб туради, темир йўл магистрали орқали ҳам инсон меҳнатининг маҳсулотлари алмашиниб туради, бунинг натижасида давлат яшаш ва муваффақиятли ривожланиш имкониятига эга бўлади. Сизлар мамлакатнинг ҳамма районларини бир-бирига туташтирасиз.

Шу сабабли, мамлакатнинг ҳаётида транспортнинг ва транспорт ишчиларининг аҳамияти жуда катта. Лекин сизлар кибирланиб кетманглар. **(Шодиёна жонланиш).**

Сизга шуни айтишим керакки, дўстлар, ҳозир Совет Иттифоқи ҳар қачонгидан ҳам кучли. **(Қарсаклар).** Биз катта ғалабаларга эришдик, биз жуда зўр иқтисодий ва ҳарбий қувват вужудга келтирдик, биз совет халқининг фаровонлигини оширдик. Лекин биз бу қувватдан уруш мақсадида фойдаланмоқчи эмасмиз. Бизда бундай ният йўқ, бизга уруш керак эмас, коммунизмни муваффақиятли қурмоқ учун бизга тинчлик керак. Шунга амин бўлингларки, Австриядаги сизларнинг ички ишларингизга аралашаётганимиз йўқ ва бундан буён ҳам аралашмоқчи эмасмиз, лекин биз Совет Иттифоқида ўз ишимизни охиригача етказамиз, ишчиларнинг иши — коммунизм иши ғалаба қилади! **(Гулдурос қарсаклар).**

Темир йўлчи ўртоқларга менинг энг яхши қардошлик истакларимни топширишларингизни сўрайман. **(Қарсаклар).** Шу билан бирга, мендан эдалик учун значоклар ва йўлдошнинг моделини қабул қилишларингизни ўтинаман, агар мен буларни сизларга тортиқ қилмасам, сизлар ўзи шахтёр бўлгани учун шахтёрларга йўлдошнинг моделини ва значокларни тақдим қилди-ю, аммо, бизга бошқача муомала қилди, деб гапиришларингиз ҳам эҳтимол. **(Шодиёна жонланиш).**

Лекин биз — ҳамма ишчилар — қардошлармиз, ҳаммамиз умумий иш учун курашмоқдамиз. Шахтёрлар бўлмаса, темир йўллар ишлай олмас эди, темир йўлчилар бўлмаганида эса, шахталар ишлай олмас эди. Ишчилар синфи ахил ва иноқ бўлиб ишламоқда. Ҳамма ишчилар инсоннинг яшаши, ривожланиши ва ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган нарсаларни биргаликда ишлаб чиқармоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев темир йўлчиларга совғаларни топширади. Энди унинг ҳузурига хотин-қизлар делегацияси келади. Делегация раҳбари Тереза Лаузеггер бундай деди:

— Ҳурматли жаноб Бош министр, ҳурматли ўртоқ Хрушчева, — деди у, Никита Сергеевичнинг ёнида турган рафиқасига мурожаат қилиб.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев хотин-қизлар делегациясига СССР маданият министри ўртоқ Е. А. Фурцевани таништиради.

— Мен Филлах хотин-қизларининг вакиласиман, — деди делегация раҳбари. — Сизлар бизнинг мамлакатимизга тинчлик ва дўстлик вакиллари бўлиб келганингиз учун хурсандмиз. Биз Филлах хотин-қизлари тинчлик ва дўстлик бўлишини истаймиз, тинчлик биз учун жуда қадрлидир. Халқлар ўртасида дўстлик мустаҳкамлансин, деймиз!

Хотин-қизлар қизғин қарсак чаладилар. Улар Н. С. Хрушчевга, Нина Петровна Хрушчевага ва Е. А. Фурцевага гулдасталар ва совғалар топширадилар. Никита Сергеевич, Нина Петровна ва Е. А. Фурцева уларнинг қўлларини қисиб самимий миннатдорчилик билдирадилар.

— Азиз дўстлар, — деди Н. С. Хрушчев, — дўстлик ва ишонч билдириб айтган самимий сўзларингиз учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Совет хотин-қизлари сингари Австрия хотин-қизлари ҳам тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни ҳимоя қилиб чиқаётганликларига хурсандмиз. Сизларни ишонтириб шуни айтмоқчиманки, биз, совет кишилари, ҳамиша халқлар ўртасидаги тинчликнинг посбони бўлиб тура берамиз ва рўёбга чиқариш учун курашаётган ишимизни бундан буён ҳам ривожлантира берамиз.

Ҳар бир давлатнинг социал соҳада ўз вазифалари бор.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар ўз йўллари билан бормоқдалар, янги турмуш қурмоқдалар, Австрия ўз йўли билан бормоқда. Лекин бу нарса мамлакатимиз халқларининг дўст бўлиб яшашларига ва ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатмоқ учун биргаликда куч сарфлаб, кураш олиб боришларига халақит бермаслиги лозим.

Хотин-қизларнинг кўнглини тўлқинлантириб турган нарсани биз тушунамиз, чунки улар уруш вақтида энг кўп машаққат тортадилар. Уруш — хотин-қизлар учун фожиадир: оналар урушга кетаётган ўз ўғилларидан ажраладилар, хотинлар ўз эрларидан ажраладилар. Уруш — ўлим ва вайронликдир.

Тинчликни мустаҳкамламоқ учун биз ҳам лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Лекин тинчлик учун ҳамма халқлар курашмоғи лозим, фақат шу тақдирдагина тинчликни мустаҳкам равишда таъминлаш мумкин. **(Қарсаклар).**

Азиз хотин-қизлар. Сизлардан ҳам бизнинг эдалик совғаларимизни — значокларни ва йўлдошнинг моделини қабул қилишингизни сўрайман. Акс қолда: эркакларга совғалар берди-ю, хотин-қизларга эса салом айтиш билангина кифояланди, дейдиган кишилар ҳам бўлиши мумкин. Йўқ, бизда хотин-қизлар тенг ҳуқуқли бўлиб, совет жамиятида катта мавқени эгаллаб турибдилар. **(«Офарин!» деган хитоблар, қарсаклар).** Агар мен сизларга совға бермасам, маданият министри ўртоқ Фурцева менга хотин-қизларга тенг ҳуқуқли муносабатда бўлмадингиз, деб таъна қилиши мумкин. **(Ҳамма кулиб юборади, қарсаклар).**

Яна бир группа тоғ гулларидан ясалган гулдасталарни кўтариб, Н. С. Хрушчев ҳузурига келади. Улар Шарқий Тиролнинг делегацияси.

Делегация раҳбари Чарниг Никита Сергеевичга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Биз Шарқий Тиролдан келган делегациямиз. Сиз бизнинг томонга боролмаслигингизни эшитиб афсусландик ва шу сабабли, Сизни табрикламоқ учун ўзимиз бу ерга келдик. Тиролнинг ҳамма аҳолиси номидан, Совет Иттифоқининг ҳамма дўстлари номидан Сизни жуда чин қалбдан табрикламоқчиман.

— Сизларга ташаккур, азиз дўстлар, деди Н. С. Хрушчев, — табрик сўзларингиз учун, яхши истакларингиз учун сизларга ташаккур. Менинг ҳам илтимосим шуки, Шарқий Тироль аҳолисига, сизларни вакил қилиб юборган кишиларнинг ҳаммасига менинг саломимни ва яхши истакларимни топширгайсиз. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев табассум қилиб, яна давом этади:

— Сизларга маълумки, мен Совет Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси сифатида гапираётирман. Лекин сизларга бир сирни айтиб қўяй, мен КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретариман...

Ҳамма қарсак чалиб юборади. Делегация қатнашчилари бу сўзларни қизғин табриклайдилар. Н. С. Хрушчев федерал канцлер Ю. Раабга мурожаат қилиб, такрорлайди:

— Аммо ҳозир ҳукумат бошлиғи сифатида гапираётирман.

Яна қарсаклар бошланади. Н. С. Хрушчев тиролликларга совғалар топширади. Шарқий Тироль вакилалари унга гуллар тақдим қиладилар. Хотинлардан бири Австриянинг миллий тусларини ифодаловчи оқ ва қизил қалампир гули букет қилиб, федерал канцлер Раабга тақдим қилади.

Энди кимё заводлари ишчиларининг делегациясига навбат келди. Делегация раҳбари Рудольф Халль Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Ҳурматли бош министр, Сизни кимё заводларининг ишчилари номидан табриклайман. Ер юзидаги ҳамма халқлар сингари Австрия халқи ҳам тинчликка интилаётганлигини Австрия бўйлаб қилаётган саёҳатингиз вақтида ўз кўзингиз билан кўришингизни истар эдим. Ишингизда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

— Раҳмат, — деди Никита Сергеевич. Сизларга ҳам муваффақиятлар тилайман. Аммо, тинчлик учун биргаликда кураш олиб боришимиз лозим. Агар ҳамма халқлар тинчлик учун актив кураш олиб борсалар, биз уруш кучларини енгиб чиқамиз, чунки тинчлик кучлари уруш кучларига нисбатан анча ортиқдир. **(Ҳамма қарсак чалади).**

Кимё заводларининг ишчилари ва Н. С. Хрушчев бир-бирларига совғалар берадилар.

Сўнгра, Филлах шаҳри коммунистлари делегациясининг аъзолари Н. С. Хрушчев олдига келадилар. Улар оқ атир гуллардан ҳамда оқ ва қизил қалампир гуллардан қилинган букетларни кўтариб олганлар.

Делегация бошлиғи ўртоқ Вильгельм Фелльнер бундай деди:

Совет Иттифоқининг Бош министри ўртоқ Хрушчев!

Жаноб федерал канцлер!

Сизни, ўртоқ Бош министр, рафиқангизни ва ҳамма ҳамроҳларингизни Филлах райони коммунистлари номидан ва шаҳримизнинг бутун аҳолиси номидан табриклашга ижозат бергайсиз. Биз Сиз орқали бутун дунёда тинчлик учун курашга бошчилик қилаётган ҳамда тинчлик ишининг ва халқлар ўртасидаги дўстликнинг ғалабасини таъминлайдиган таянч бўлган қаҳрамон совет халқини табриклаймиз.

Шу нарсага қатъий аминмизки, марксизм-ленинизм таълимотига таяниб, ишчилар синфи учун олиб бораётган курашимизда сизлар каби бизлар ҳам ғалаба қозонишимиз турган гап. Сизларнинг улуғ тараққиётингизда Сизнинг ва бутун совет халқининг янада муваффақиятлар қозонишингизни астойдил тилаймиз. Сизларнинг жуда катта етти йиллик планингизнинг бажарилиши бу ерда, Австрияда бизга ҳам, жаҳоннинг ҳамма халқларига ҳам жуда катта мадад ва ёрдам бўлади.

Бу ерда бизни қабул қилганлигингиз учун ҳамма ўртоқлар номидан, ҳамма коммунистлар номидан Сизга ташаккур изҳор қиламан **(Гулдурос қарсаклар).** Сизни бу ерда табриклашимизга имконият берган Австрия федерал ҳукуматига ҳам ташаккур изҳор қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу нутқни жуда эътибор бериб тинглаган Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

— Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партиямиз ва биз бажараётган ишлар шаънига айтган табрик сўзларингиз учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Ростини айтсам, ҳозир мен нима гапиришни ҳам билмай қолдим, чунки ёнимда партия билети йўқлигини, уни Москвада қолдирганлигимни, бу ерда эса, фақат дипломатик паспортимгина борлигини айтиб ўтган эдим. **(Шодиёна жонланиш).** Лекин шуни тан олишим керакки, мен коммунистман, Австрияга келмасимдан анча олдин коммунист бўлганман **(Шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Бизнинг Совет Иттифоқимизда ишларимиз яхши бораётир, азиз ўртоқлар, экономикамиз барқ уриб ривожланмоқда. Марксизм-ленинизм ҳозирги вақтда фақат назариянга эмас, практика ҳам бўлиб қолди. Бир миллиард киши шу таълимот асосида янги турмуш қурмоқда, бу иш албатта ғалаба қилади!

Марксизм-ленинизмнинг улуғ аҳамиятини ва прогрессивлигини кўп кишилар ҳали ҳам тушунмай турибди. Улар буни англаб олишлари учун маълум вақт керак бўлади. Ҳар бир мева ўз вақтида пишади, деган гап бор. Мана бизлар бу революцион таълимотнинг прогрессивлигини тушуниб олганмиз, аммо, бошқалар ҳали буни тушунгани йўқ. Нима ҳам дер эдик, бунинг учун биз уруш қилмаймиз. Таълимотнинг афзаллигини иш билан, практика билан исботлаш керак. Шунинг учун ҳам биз Совет Иттифоқи коммунизм энг прогрессив тузум эканлигини, у ер юзида энг яхши турмушни таъминлаб беришини: инсон ҳаёти учун моддий воситалар беришини, инсоннинг маданий эҳтиёжларини қондиришини, фанни юксалтираётганлигини, санъатни ривожлантираётганлигини, урушлар бўлмайдиган, тинчлик ва қардошлик ҳукмрон бўладиган, инсонга муносиб бўлган турмуш кечирмоқ учун одамларга имконият беришини амалда исбот қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз аминмизки, деб руҳланиб давом қилади Никита Сергеевич Хрушчев, бизнинг ишимиз ғалаба қозонади, лекин бунинг учун ҳар бир халқ марксизм-ленинизмни ўз мамлакатининг шароитини ва бошқа мамлакатларнинг революцион тажрибасини ҳисобга олиб татбиқ қила беради. Бу ишда биз фикрлашиб ва тажриба алмашиниб турамиз, энг яхши тажрибаларнинг ҳаммасини бирбиридан ўргана берамиз.

Сизларга, азиз ўртоқлар ва дўстлар, муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилайман. Умумий ишимизнинг манфаатлари учун нимаики тилаш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини сизларга тилайман! **(Гулдурос қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев Филлах коммунистлари билан маҳкам қўл қисишиб кўришади Қарсаклар қайта-қайта янграйди.

Совет ҳукумати бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевни табриклаш учун келган меҳнаткашларнинг делегациялари билан тўлқинли учрашув шу тариқа тугайди.

Филлах шаҳри. 6 июль.
(Телефон орқали олинди).

КЛАГЕНФУРТ, 6 июль. Махсус мухбирлардан В. Шумский билан Л. Степанов хабар берадилар: Н. С. Хрушчев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар бугун эрталаб Филлахдан Каринтия пойтахти Клагенфуртга жўнаб кетдилар. Федерал канцлер Ю. Рааб бу сафарда Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлмоқда.

Йўл Альп тоғларидаги энг илиқ Вертерзее кўли бўйлаб ўтар эди. Шу кўлнинг атроф-теварагида кўпгина машҳур курортлар жойлашган. Бутун йўл давомида неча минглаб кишилар совет меҳмонини кутиб олиш учун чиқди. Булар орасида кўпгина чет эллик туристлар ҳам бор. Йўл ёқаларида турган кишилар Н. С. Хрушчевни самимий табриклаб, унга оқ йўл тилаб қоладилар.

Клагенфурт аҳолиси Н. С. Хрушчевни зўр самимият билан кутиб олди. Кишилар билан тўлиб-тошган кўчаларда ҳар иккала тилда «Хуш келибсиз!», «Тинчлик ва биродарлик!» деган сўзлар ёзилган катта-катта плакатлар кўзга ташланиб турар эди.

Н. С. Хрушчев Клагенфурт шаҳрининг бургомистри Г. Аусервинклер ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда аждар тасвирланган катта ҳайкал ёнига келади. Аждар шу шаҳарнинг эмблемасидир. Ана шу ҳайкал билан шундай бир қадимги афсона боғланган: қадим замонларда халқ қаҳрамонларидан бири жангда ана шу маҳлуқни ўлдириб, ўз халқини ажал хавфидан халос қилган.

Шаҳар бургомистри Н. С. Хрушчевга ана шу афсонавий аждар тасвирланган ҳайкалчани эдалик учун тақдим этади. Н. С. Хрушчев совға учун ташаккур билдиради.

Шундан кейин кўп ўтмай, Каринтия ҳукуматининг бошлиғи Ф. Веденг Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

КАРИНТИЯДА

ШТИРИЯДА

ГРАЦ, 6 июль. ТАСС махсус мухбирлари В. Шумский, Л. Степанов хабар берадилар: Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Каринтиянинг бош шаҳри Клагенфуртдан Штирия вилоятининг маркази — Грацга томон йўл олдилар. Автобуслар колоннаси баланд тоғ довонида тўхтайди. Бу ерда икки вилоят чегарасида Н. С. Хрушчевни Штирия ўлкасининг бошлиғи И. Крайнер кутиб олади. И. Крайнер табрик сўзидан кейин Н. С. Хрушчевнинг Грацга қиладиган сафарида унга ҳамроҳ бўлиш учун машинага тушади.

Тоғ тепасидан «Яшил Штириянинг» биринчи қишлоқлари кўринади. Штирия ўлкасининг жуда катта майдонлари қалин ўрмонзорлар билан қопланганлиги учун уни «Яшил Штирия» деб атайдилар. Шу асосда бу ерда қоғоз, целлюлоза ва ёғочсозлик саноати вужудга келган. Бироқ, Штириянинг экономикасида кон, металл ишлаш, машинасозлик ва электротехника саноати бундан кўра муҳимроқ роль ўйнайди. «Альпине-Монтан» металлургия концерни Штириянинг энг йирик саноат корхонасидир. Грацда «Пух-Верке» автомобиль заводи бор. Бу завод кичик литражли автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар ва велосипедлар ишлаб чиқаради.

«Яшил Штирия» шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолиси Н. С. Хрушчевни шодиёна ва самимий кутиб олади. Совет меҳмонлари қайси ўлкада яхшироқ кутиб олинганлигини айтиш қийин. Лекин шундай таассурот туғиладики, Н. С. Хрушчевнинг сафари давом этган сари Совет Иттифоқининг дўстлари кўпайиб бормоқда.

Н. С. Хрушчевни кутиб олиш учун вокзал олдидаги катта майдонга Грацнинг жуда кўп аҳолиси тўпланган. Кутиб олувчилар «Хуш келибсиз, Никита Хрушчев!», «Хуш келибсиз, тинчлик учун илғор курашчи!», «Биз совет халқини табриклаймиз!», деб ёзилган плакатларни кўтарганлар.

Штирия ҳукуматининг бошлиғи И. Крайнер ҳурматли меҳмон шарафига катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида федерал канцлер Ю. Рааб ҳозир бўлди. Қабул маросими вақтида Н. С. Хрушчев ва И. Крайнер нутқ сўзладилар.

Қабул маросимидан кейин Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев ва сафар қатнашчиларининг ҳаммаси поездга тушиб, Венага жўнаб кетдилар.

ВЕНАДА

ВЕНА, 7 июль (ТАСС). Маҳаллий вақт билан бугун соат 1 дан 30 минут ўтганда (Москва вақти билан соат 3 дан 30 минут ўтганда) СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Австрия бўйлаб қилган сафарларидан Венага қайтиб келдилар. Вақт кеч бўлиб қолганига қарамай, ҳурматли совет меҳмонини кутиб олмоқ учун Австрия пойтахтининг кўпгина аҳолиси вокзалга келди.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

6 июлда Москва телевидениеси орқали сўнгги ахборот эшиттиришнинг янги махсус сони кўрсатилди. «Дўстлик визити» деб аталувчи бу киножурнал СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳамда унга ҳамроҳ бўлган совет раҳбар арбобларининг Австрияда бўлишларига бағишланган эди.

Фильмга Н. С. Хрушчевнинг федерал канцлер Ю. Рааб бошчилигидаги Австрия Федерал ҳукуматининг аъзолари билан бўлган учрашувини акс эттирадиган кинокадрлар киритилган. Совет ҳукумати бошлиғининг Вена автомобиль заводини бориб кўрганлиги, Н. С. Хрушчевнинг савдо ва саноат доирадари билан учрашуви, Шенбрунн саройида ўтказилган қабул маросими ҳақида ҳикоя қилувчи кадрлар ҳам кўрсатилди.

Телетомошабинлар тарихий ҳужжатлар Совет-Австрия виставкасини тантанали равишда очиш маросимини, Н. С. Хрушчевнинг Вена аҳолиси билан учрашувини, (бу учрашувни Австрия-Совет жамияти ва Австрия касаба союзлари бирлашмаси вакиллари уюштирган эдилар), совет меҳмонларининг Австрия пойтахти ҳаёти билан танишувини, улар ратушани томоша қилганлигини, Н. С. Хрушчевнинг Руст қишлоғига қилган сафарини ва бошқа кадрларни кўрдилар. (ТАСС).

Австрия телевизор экранида

Телевизион эшиттиришларнинг 5 июлдаги «Сўнгги ахборот» программасида Н. С. Хрушчевнинг Австрияда бўлишига бағишланган янги киноматериаллари кўрсатилди. Федерал канцлер Ю. Рааб бошчилигидаги Австрия Федерал ҳукуматининг аъзолари СССР Министрлар Советининг Раисини кутиб олганликлари ҳақидаги кинокадрлар кўрсатилди. Москва телевидениесининг кинооператорлари Н. С. Хрушчевнинг Вена автомобиль заводини бориб кўрганлигини ва ана шу корхонада бўлган митингни суратга олганлар. Бу митингда Совет ҳукумати бошлиғи нутқ сўзлаган. Телетомошабинлар Н. С. Хрушчевнинг Австрияда бўлишига боғлиқ бўлган бошқа воқеалар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар. (ТАСС).

Босилмаган хабарлар изидан

„ЕРДАМ КЕРАК“

«Калинин районидаги Алишер Навоий номли колхозда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган, колхозимиздаги медпункт талабга жавоб бермайди. дори-дармонлар етишмайди, фельдшерлар тез-тез алмаштириб турилади, медпунктда навбатчи ҳамширалар қўйилмайди» деб колхоз аъзоларидан бирнеча киши редакцияга шикоят ёзиб, ёрдам сўраган эдилар.

Район соғлиқни сақлаш бўлими мудири ўртоқ Зариповнинг редакцияга маълум қилишича бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар кўрилган.

Жумладан, колхознинг маркази ҳамда Гулистон участкасидаги фельдшерлик пунктларининг фельдшерлари Норматов, Абдуллаев ўртоқлар билан биргаликда меҳнаткашларга медицина ёрдамини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилган, фельдшерлик пунктлари зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Гулистон участкасидаги пунктда уч ўринлик туғриқхона ташкил қилинган. Шу ойнинг охирларида 25 ўринлик участка касалхонаси ишга туширилади. Ҳозир янги касалхона учун ажратилган бинода ремонт ишлари олиб борилмоқда. Касалхона қошида амбулатория ҳам ишлайдиган бўлади. Бу ерда ишлаш учун тўрт врач ажратилган.

„ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА“

Сирдарё районидаги «Октябрь» колхозида дала ишлари яхши ташкил қилинмагани, колхоз аъзоларининг ишга қатнаши контроллик қилиб турилмаслиги, илғор колхозчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш каби ишлар колхоз раҳбарларининг эътиборидан четда қолаётганлиги тўғрисида колхозчилар таҳририятга хабар ёзиб юборган эдилар.

Сирдарё район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Абдушоҳидовнинг редакцияга хабар қилишича, материал колхознинг правление мажлисида муҳокама қилинган ва кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилган. Правление бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўрган.

500 минг тонна учун!

СИЗ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРМОҚДАСИЗ?

Мусобақадош Фарғона область пахтакорлари маслаҳатларига амал қилиб, ғўза парваришидаги камчиликларни тезда бартараф қилайлик!

ДЕҲҚОНЧИЛИК АГРОТЕХНИКАСИ БУЗИЛМОҚДА

Бу йил Сирдарё райони пахтакорлари салкам 60 минг тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Фарғоналик мусобақадошларимиз район хўжаликларида бўлганларида ғўза парваришининг боришини шу мажбурият нуқтаий назаридан текширдилар. Шу нарса маълум бўлдики, деярли барча хўжаликларда кўчат текис, ғўза бегона ўтдан тозалаб олинган. Суғоришга катта эътибор берилмоқда. Барча ишчи кучлари ғўза парваришига сафарбар қилинаётир.

Мусобақадошлар ўртоқ Т. Ғуломов раислик қилаётган Куйбишев номли колхозда ғўза парваришч яхши бораётганлигини алоҳида қайд қилдилар. Пахтакорлар кейинги кунларда фидокорона меҳнат қилишиб, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун курашдилар. Дала ишларининг ҳамма турлари бир-бирига боғлаб олиб борилди.

— Яна бир ҳафта — ўн кун астойдил меҳнат қилсангиз, — таъкидлашди мусобақадошлар, — ғўзанинг ривожланишидаги қолоқлик батамом тугайди. Бироқ ишни бўшаштириб қўйсангиз, жуда кўнгилсиз аҳволга йўлиқиб қоласиз. Ғўзангиз кўнгилдагидай ҳосил тўпламайди. Аксинча шу кунгача йиғилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Шуни ҳисобга олиб июль-август ойларида ишни бўшаштирмай мўл ҳосил тўпланглар. Бу — бизнинг ҳам ютуғимиз бўлади. Мусобақалашиб ишлаётганлигимиздан мақсад ҳам шу!

Фарғоналик пахтакорлар колхозда суғоришнинг секин бораётганини таниқид қилдилар. Хўжаликда ҳали биринчи марта сув ичмаган ғўзалар ҳам бор. Шунинг учун ҳозиргидек ҳар куни 35—38 эмас, 50—55 гектар ернинг ғўзасини қондириб суғориш керак.

Ўртоқ М. Сайидбеков раислик қилаётган Свердлов номли колхоз 970 гектар ернинг ҳаммасига квадрат уялаб чигит эккан. Бу жуда яхши иш. Аммо шуниси ёмонки, кўпчилик бригадаларда ғўзани икки томонлама сифатли ишлашга етарли эътибор берилмаётир. Ўртоқ Эгамберди Худойбердиев бошлиқ бригададаги иш бунга мисол бўлаолади. Бу ерда узунасига ишлов бериш дуруст. Аммо кўндалангига қилинган культивациянинг сифати жуда ёмон. Культиватор иш органлари нотўғри ўрнатилганлиги сабабли ғўзанинг атрофи юмшатилмай қолаберган. Бригада бошлиги бўлса бундай сифатсиз ишга бефарқ қараб, тракторчига меҳнат ёзаберган.

Бригаданинг карталарида бегона ўт бор. Айрим уяларда 5—7 талан ғўза кўчатини учратасиз. Шунингдек ҳамма карталарнинг чети яхши ишланмай ташлаб қўйилган. Увотдан 10—15 метргача бўлган ерларда бегона ўт кўп, ғўза нимжон ўсмоқда. Бу ерлардаги кўчатлар бўйича ўсишда ҳам, ҳосил йиғишда ҳам бошқа ғўзалардан орқада қолаётир.

— Қанча мажбурият олгансиз? — Сўрадилар фарғоналик пахтакорлар бу аҳволни кўриб бригадирдан.

— 26 центнердан.

— Жаҳон Бадаловни биласизми? — Савол берди уларнинг бири.

— Биламан, қўшни Карл Маркс номли колхозда бригадир.

— Нега у 50 центнерга қўл қўйган-у, сиз 26 центнерга сўз бердингиз. Ёки ерингиз ёмонми, кучингиз етишмайдими?

— Ҳаммаси етарли.

— Ҳаммаси етарли-ю, сизнинг ҳаракатингиз суст. Жаҳон Бадалов сифатсиз ишга йўл қўймайди. Культивация ҳам, сув ҳам жойида. Карта четлари тоза, ғўзалар бир текисда ривожланади. Сизда ундай эмас. Шунинг учун унинг бригадаси сизнинг бригадангиздан икки баравар ортиқ мажбурият олган.

Колхознинг ўртоқ Қ. Мирзаев бошлиқ бригадасида ҳам анча камчиликлар бор.

Колхозда маҳаллий ўғитдан фойдаланилмаётир. Шарбат суви пахта ҳосилдорлигини оширадиган муҳим омил бўлишига қарамай, бу ишга ҳечким эътибор бермаётир.

«Қизил октябрь» колхозида иш анча дуруст. Ғўза нормал ривожланмоқда. Бироқ бу колхозда ҳам шарбат суви оқизишга тайёргарлик йўқ. Қайси бригадага борсангиз карта четларидаги ғўзаларнинг нимжон ўсаётганини кўрасиз. Демак бу аҳвол бир бригада ёки бир колхозгагина эмас, балки районнинг кўпчилик хўжаликларига хос камчилик экан. Фарғоналик мусобақадошлар ана шундай камчиликларни аниқлаб, бу камчиликларни тезда тугатиш йўлларини кўрсатдилар. Карта четларидаги ғўзаларга қўшимча ишлов беришни, озиқлантиришни, зарур бўлса алоҳида суғоришни тавсия қилдилар.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СУВЧИ ҚИЗЛАР

Дала шийпонидан сал нарироқдаги карталарни айланиб, колхозчиларнинг иши билан таниша бошладик. Биз истаган бригада бошлиғи Жумабой ака Неъматов ҳозиргина универсал юриб кетган ерда ишнинг сифатини текшираётган эди.

— Ҳорманг деҳқон ога, — пўрсиллаб ётган намли тупроқдан бир сиқим олиб унга яқинлашдик, — чуқурлиги жойидами?

— Универсалчиларимиз барака топишсин, — деди Жумабой ака биз билан кўришар экан, — бири узунасига, бири кундалангига трактор юргизиб ғўзаларнинг жонини киргизаяпти.

Ҳақиқатан ҳам Саидғани Абдумаликов, Ғуломқодир Алимовлар культивация қилаётган ғўзалар соғлом ривожланмоқда. Ана шу икки азаматнинг ўзи 93 гектар ерга чигитни квадрат уялаб экишган эди. Чигит ернинг табиий намига ундириб олингач ғўза икки қулоқ бўлар — бўлмас дарҳол парвариш қилиб юборилди. Биринчи культивациядан кейинроқ ғўзанинг илдизи пастга, танаси юқорига қараб интилди. Мана, эндиликда ҳосил шохлари кўпайиб кўзни қувонтирмоқда бу ғўзалар.

Моҳир механизаторларга тенглашиб ишлаётган сувчи қизларни айтмайсизми! Нуринисо Холмирзаева, Хидирназаровадар ҳар куни 1,5 гектарга етказиб суғормоқдалар. Қизлар эрта тонгдан қош қорайгунча эгатларда сувнинг нормал оқишидан кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Сувнинг исроф бўлиши ёки ғўзанинг чанқаб қолишига сира йўл қўймайдилар.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Ж Неъматов бошлиқ бригадасида ғўза уч марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинди, икки марта озиқлантирилди. Шу туфайли шоналар гулга, гуллар кўсакка айланмоқда.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.
Т. НИШОНБОЕВ.

ЛИ ЛЮБОВЬ БРИГАДАСИДА

— Ҳар гектар ердан 1250 центнердан кўкпоя топширамиз!

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзоси Ли Любовь шу йилнинг бошларида бўлиб ўтган область маккажўхорикорларининг кенгашида ўз бригадаси номидан сўзга чиқиб, зиммага юксак мажбурият олган эди.

У бошлиқ бригада аъзолари маккажўхоридан мўл-кўл силос бостириш мақсадида дастлабки кунларданоқ ишни пухта уюштирдилар. Маккажўхори сифатли тайёрланган ерларга қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олинди ва текис ундирилди. Парвариш ишларида агротехника қоидаларига қатъий риоя қилаётган колхозчилар маккажўхорининг бўйчан ва серсўта бўлиб ривожланишига эришдилар. Ҳозир бу бригаданинг маккажўхоризорига кирсангиз кишини кўмиб юборади.

Ҳозир суғориш, озиқлантиришни давом эттириш билан бирга силос бостиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Суратда: Ўртоқ Ли Любовь маккажўхоризорда.

А. Палехов фотоси.

Мусобақадош Фарғона область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси Оржоникидзе районида бўлиб, ғўза парваришн соҳасидаги ишлар билан танишдилар. Суратда: фарғоналиклар «Қизил Ўзбекистон» колхози далаларида.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҒЎЗАЛАРНИНГ ЖОНИ КИРЯПТИ

Эрта тонг. Ғириллаб эсаётган майин шаббода киши руҳини енгиллаштиради. Ана шу мусаффо тонг елларида аста силкиниб ўсаётган кўм-кўк ғўзалар азамат пахтакорларимизнинг ҳалол меҳнатидан далолат беради. Ҳа, бу ер бетини қоплаб олган бўлиқ кўчатлар азаматларимизнинг меҳнат самарасидир.

Оқ яктак кийган, енги-тирсаккача шимирилган нуроний бир чол жилдираб оқаётган сувни кўздан кечирмоқда. Бу колхоз тузилгандан бери шу ерда меҳнат қилаётган Қосим ота Азимовдир. Ота ҳар куни 2—3 гектар ердаги ғўзани пай усулида қондириб суғормоқда.

Киров номли қишлоқ хўжалик артелида бу йил 1575 гектар ерга чигит экилди.

Ҳозир ғўза қатор ораларига учинчи ишлов бериш тугаллай деб қолди. Колхознинг 19 та далачилик бригадасида 100 га яқин киши суғориш ишлари билан банд. Ғўза иккинчи марта қондириб суғорилмоқда.

Бу колхозга қўшни бўлган Навоий номли колхоз пахта далаларида ҳам иш қизғин. 808 гектар ердаги ғўзаларга учинчи марта сифатли ишлов берилмоқда. Картада биронта ҳам бегона ўт кўринмайди.

— 32 йилдан буён сувчилик билан шуғулланаман Бу ерлар менга жуда ҳам қадрдон бўлиб қолган, — дейди А. Араббоев.

Миришкор сувчи А. Араббоевга эргашган Р. Очилбоев, К. Оқбоев каби сувчилар ғўзани қондириб суғориш учун суръатни кучайтириб юбордилар.

Чиноз районидаги Навоий, Киров номли колхознинг меҳнатсевар пахтакорлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

И УРИНБОЕВ,
М. МИРФОЕВ.

МАККАЖЎХОРИЗОРДА

Катта қарта ёқасидаги эгат бошида жуссадор бир йигит баравар бўй тортган жўхоризорга тикилганича кўз узолмай турарди. Бу қараш билан у гўё ҳар бир туп экиннинг томир уриши, сувдан, ўғитдан қанчалик баҳра олаётганини аниқ сезаётгандай эди. Йигит эгатлар орқали жўхоризорга яна бир бор тикилди-ю, дили равшан тортиб кетди. «Экиннинг бўламан дегани шу-да» фикран такрорлади у.

Нариги пайкалда культивация қилаётган универсалнинг овози равон янграмоқда. Йигит уват ёқалаб ёлгиз оёқ йўлдан юриб бораркан, экинга қайта-қайта диққат билан разм солди, кўзи ҳар бир жўхори тупидан иш қидирарди. Ахир, у бошлиқ звено зиммасига улкан иш топширилган-ку! Шуни деб илк баҳордан бери озмунча меҳнат қилиндими?

Иброҳим Отахонов шу ҳақда ўйлаб бораркан, культивация қилинаётган картага етиб келганини ҳам сезмай қолди. У культивациянинг сифатини кўздан кечиргандан кейин «Маҳкамбойга қойилмиз» деб қўйди. Яхлит картани кўндалангига кесиб келаётган Маҳкамбой универсалини эгат бошига бурди, звено бошлиғига бир нима демоқчи бўлди шекилли, тормозни тортди.

— Ҳорма оғайни, — деди дустона қиёфада Иброҳим Отахонов.

— Саломат бўлсинлар, — универсалчининг жарангли товуши эшитилди.

Улар маккажўхорининг бундан кейинги парваришига доир масала устида фикрлашишди.

— Мана кўриб турибсиз, — деди универсалчи, — қадди одам бўйидан ошиб кетди, япроқлари тарвақайлаб кетяпти. Энди культивация қилмасак ҳам бўлар дейман?

— Мен ҳам худди шуни айтмоқчи бўлиб турувдим. Энди бас қилсанг ҳам бўлади. Лекин ўғитлаш ва суғоришни давом эттираберамиз.

Икковлон ёз шамолида кокилини силкитиб турган ва баравар кўкка бўй тортган жўхоризорга тикилганича бир нафас жим қолди...

Пискент районидаги Тельман номли колхознинг коммунист Ваҳоб Эгамқулов бошлиқ бригадасида пахта билан бир қаторда маккажўхоридан ҳам юқори ҳосил етиштириш учун кураш кун сайин авж олдирилмоқда. Бригаданинг ёш аъзолари эрта кўкламдаёқ 30 гектар майдонга квадрат-уялаб маккажўхори экдилар. Кузда сифатли шудгор қилинган ва эрта кўкламда яхшилаб бароналанган ерларга об-тобида экилган маккажўхори тез кунда қуёш билан бехато юз кўришди ва яшил квадратлар ҳосил бўлди.

Иброҳим Отахонов, бошчилигидаги Нуриддин Хатамов, Мурод Тўхтабоев, Макамбой Холиқов сингари серғайрат комсомолдардан иборат маккажўхорикор ёшлар звеноси шу кеча-кундузда экинга ҳар томонлама ишлов бериб, унинг нормаль ўсиши, мўл ҳосил тўплашини таъминламоқдалар. Звено аъзолари унумли меҳнатдан сўнг яхши жиҳозланган дала шийпонида ҳузур қилиб дам оладилар, агитаторларнинг мароқли лекция ва суҳбатларини эшитмоқдалар, бу ишларни намунали ташкил этишда ўзлари ҳам актив қатнашмоқдалар. Улар Юқоричирчиқлик донгдор маккажўхорикор Ли Любовь изидан бориб, ҳар гектар ердан 1200 центнердан кўкпоя беришга аҳд қилганлар. Ёш ватанпарварлар албатта ўз аҳдларининг устидан чиқадилар.

— Чунки, — дейди колхоз комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Турсун Икромов, — ёшлар меҳр-муҳаббат билан парвариш қилаётган маккажўхорининг яхши ривожланаётганлиги шундан далолат бериб турибди.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ТУРСУНОЙ ДАЛАСИДА

Туш пайти. Кўмкўк дала ўртасидан кесиб ўтган йўлдан бормоқдамиз. Икки ёнда сарв қоматини ростлаган теракларнинг шохлари елда аста чайқалади. Уфққа туташ дала этагида, янги, ҳашаматли уйлар қурилаяпти. Қуёшдан нур эмиб, нафас олаётган ғўза ниҳоллари кишини мафтун қилади. Тепалик ён бағрида кўриниб турган ерлар баланд ва паст текисликлардан иборат бўлса ҳам, азамат колхозчилар бу ерда моҳирлик билан яшил квадратлар яратганлар.

— Мана шу Турсунойнинг дласи. — Тушунтирди ҳамроҳимиз. Қатор ораларида бирорта ҳам ўт кўринмайди. Фарғона бекасамидек йўлйўл кетган, бир текис сув таралган жўякларга меҳр билан боқдик.

Адл йўл бизни дала шийпонига олиб келди. Шийпон денгиз ўртасидаги оролчани эслатади. Яшил толлар соябони кўланка ташлаб турган майдонча ўртасида зилол ариқча шарқирайди. Унинг қиргоғидаги саҳнда садарайҳон гуркираб ўсаяпти. Ундан нарироқда эса, бодринг ва қовун-тарвуз палакларининг яшил сўзанаси товланади.

Кун тобора қизиб бормоқда. Пахтакорлар дала шийпонида ўтириб, ҳордиқ чиқаришаяпти. Радио приёмникдан ёқимли қўшиқ таралмоқда.

Турсуной ва унинг бригадаси аъзолари билан танишдик. Бир-биридан қувноқ, бир-биридан забардаст йигит ва қизларнинг меҳнатдан олган завқлари чеҳраларидан сезилиб турипти. Агитатор, 24-мактаб ўқитувчиси Зилоҳат Маъдиева ҳозиргина ўтказган суҳбатнинг таассуротларини улар мароқ билан давом эттирмоқдалар.

Радиоприёмник ёнида ўтириб олган, қўшиқлар эшитишни севадиган Турсуной куйга берилиб нималарнидир ўйламоқда. Саратон офтобида қорайган юзларида табассум жилва қилади. Балки, у шу пайтда кечагина кўргани қувончли бир ҳодисани кўз олдига келтираётгандир:

Мана, у универсалчи тўхтатиб, бригада сувчиси Абрамат ота қаршисига шошилиб бормоқда.

— Нима бўлди қизим, нима гап ўзи? — сўрайди ҳайрон бўлиб ота.

— Ота, буни қаранг! — қувониб дейди Турсуной, — ғўзамиз кўсаклабди.

— Баракалла! — Мамнун бўлиб Турсуной қўлидаги гулга тикилади, ота. — Ҳа демай, бутун даламиз ҳосилга тўлади.

Турсуной кўз олдида ғўзаси шиға гуллаган дала, жигарранг кўсакларда етилган «оқ олтин», қудратли терим машиналари намоён бўлади. Унинг ўйларини яна баҳорнинг серташвиш дақиқалари етаклайди:

Энди тобига келган ер ёмғир томчиларидан ивиб, униб чиқишга интилган чигитлар устини қатқалоқ босди. Уни кечалари, салқинда сих мола билан юмшатишди. Аччиқ изгирин ниҳолларни жунжитиб, қовжиратиб кетмоқчи бўлди. Яна намгарчилик бошланиб кетди. Гектар-гектарлаб майдонлардаги ниҳоллар ўз-ўзидан сўлий бошлади.

— Нима қилиш керак? Барчада шу фикр ҳукмрон. Турсунойнинг кечалари уйқиси ўчиб кетади. Дала бошига қараб югургиси келади. Ўша кунлардан бирида Султонжон Турсуной ҳузурига хуш хабар олиб келди.

— Чораси топилди, Турсуной, — деди у, — шошилиб.

Султонжон касалланган ғўза тагини очиб кўриб, кўп нам эмган ниҳол илдизлари чирий бошлаганини пайқаган эди.

— Демак, — деди у, — илдизларни шамоллатиш керак.

Шундай қилиб, Турсуной билан Султонжон универсалга минишди. Универсал пичоқлари тилиб, юмшатиб кетган тупроқлар бағрига тоза ҳаво кирди. Ер бағридаги ўта нам фазога кўтарилди. Оқилона тадбир ижобий натижа берди. Бетобланган ниҳоллар юзига ранг югурди, томирларида қувват оқими ўйнади.

— Яхши ҳам машина бор, — деди мамнун бўлиб Турсуной, — агар иш кетмонга қолса нима бўларди?

Ғўза парвариши осон эмас. Комплекс механизацияни талаб қилади. Механизация эса, меҳнат унумдорлигини оширади. Шунинг учун ҳам, Турсуной, бригада аъзоларини машиналарни бошқаришга ўргатмоқда.

Республикамизда механизация учун, пахтани машинада териб олиш учун умумхалқ кураши бошланди. Пахтакорларнинг огир юмушини енгил қилишга, осонлаштиришга кўмаклашаётган «Ташсельмаш» заводи бу йил пахтакорларга 5000 дона «ХВС — 1,2» машинаси етказиб беради. Ҳа демай, юзлаб ўзбек хотин-қизлари механизация билим юртларини, курсларини битириб рулга ўтирадилар. Улар сафида Турсунойнинг шогирдлари Насиба Саидхўжаева, Турсуной Йўлдошева, Инобат Охунова, Адолат Охунова, Дариха Йўлдошева, Ҳосият Жўраевалар ҳам бўлади.

Турсуной Охунова бригадасида пахтани машинада териш учун тайёргарлик иши ғўзани экишдан, ягана қилинаётган кунлардан бошланди. 60х60 схемаси асосида экилган ҳар бир уяда тўп-тўп чиққан ғўза ниҳоллари ёнидаги ортиқча ғўза туплари олиб ташланди. Улар бир сафга тизилган ҳолда машина теримига мослаштирилиб қолдирилди.

— Ғўзаларимизни тўртинчи ишловдан чиқараяпмиз, икки марта роса қондириб суғордик, дейди Турсуной, — энди уларга суперфосфат ва фосфор аммониак бераяпмиз.

Бригада бу йил 100 гектар ердан 500 тонна «оқ олтин» олиш учун курашмоқда. 15 меҳнатсевар пахтакор қўлида шоналар гулга, гуллар кўсакларга айланмоқда. Тўрт трактор ва ОДН ишлаб турибди. Мавсумда учта терим машинаси далага чиқади. Илгари юз гектар ердаги пахтани қўл билан териб олиш учун 200 теримчи талаб қилинган бўлса, энди уч киши талаб этилади.

Пахтакорларнинг азиз дўсти Никита Сергеевич Хрушчев Турсунойнинг ишига юксак баҳо берди:

«Офарин, Турсунойнинг бир ўзи юз кишининг ишини бажарди, деб айтди у». Турсуной Охунова бу сўзларни ҳеч қачон эсидан чиқармайди. Бу сўзлар Турсунойга мадад ва куч бағишлайди.

Турсунойнинг чаққон ва бақувват қўлларида ҳаракатга келган машина пахтанинг таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш, пахтакорлар хаётининг янада фаровон бўлиши учун ёрдам бермоқда.

У бу йил қорақалпоғистонлик машҳур пахтакор Ойимхон Камолова билан беллашаяпти. Ҳар икки пахтакор ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда Турсуной Охунова коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Гагановага мактуб ёзди. Мактубда қуйидаги сатрлар ҳам бор эди.

— Бир сўз билан айтганда, биз — ҳаммамиз совет кишиларимиз, ҳаммамиз бир-биримизга қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Чунки, биз ягона бир мақсад — коммунизм қуриш мақсадида яшамоқдамиз.

Сўзи билан иши бир бўлган ватанпарвар аёл ўз мусобақадошларига яхши маслаҳатлари билан ҳамиша кўмаклашиб туради. Турсуной Охунованинг қўли билан ёзилган мактублар республикамиздаги пахтакор қизларнинг, опа-акаларнинг ҳузурига тез-тез парвоз қилиб туради. Бу мактублар Турсуной дугоналарини янги-янги меҳнат зафарларига отлантирмоқда.

Турсуной баъзан бригада дала шийпонидан ўз даласига назар ташлашни яхши кўради. Чунки, уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг янги-янги орзу ва режалари юрагида тинмай тугён қилади, ғўза парваришининг дастлабки самараларини кўриб беғубор қувонмоқда, ҳа унинг бригадаси ҳар гектар ердан 50 центнердан эмас, 60 центнердан ҳосил кўтариш йўлида астойдил курашмоқда.

М. ҚУШОҚОВ,
С. АБДУЛЛАЕВ.
Чиноз.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Очиқ ерда силос бостириш усули

Кейинги йилларда илғор хўжаликлар силос бостиришда янги бир методни қўллай бошладилар. Бу — очиқ ерда силос бостириш усулидир. Бу усул колхоз ва совхозлар учун жуда қулай ва фойдалидир. Очиқ ерда силос бостирилганда ер ости сувининг юза ёки чуқур бўлишлигининг аҳамияти йўқ. Бироқ бу ишда маълум тартибга риоя қилиш талаб қилинади. Ер юзасига силос бостирганда ҳаво кириб кўк майсадаги фойдали озуқа моддаларинчи кўп қисми нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун силосни тез ва зич қилиб бостириш ва дарҳол устини ўраб ташлаш лозим.

Очиқ ерга 200—400—700 тонна атрофида силос бостириш тавсия қилинади. Шу билан бирга ҳар бир силос гарамининг кенглиги 6 метрдан 12 метргача, баландлиги, икки ярим-уч метр, узунлиги камида 20—30 метр бўлиши зарур. Акс ҳолда поянинг кўп қисми нобуд бўлади.

Бизнинг шароитда айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида маккажўхори поялари ўриб олинган замоноқ тез ва қисқа муддат ичида силос бостириш лозим. Очиқ ерда кўп миқдорда силос бостирилганда маккажўхори ва бошқа ўсимликларни комбайн билан ўриш, автотранспортда ташиш ва трактор билан зичлантириш талаб қилинади. Комбайн билан ўрганда бир неча иш бир йўла бажарилади, бошқа машиналар ва қўл меҳнати кам талаб қилинади, силос бостириш тезлашади.

Силос бостиришни тезлаштирмоқ учун силос қирқадиган РКС-12 маркали машинадан фойдаланиш лозим. Силос бостириладиган майдонларга бетон ётқизилиши ёки тош терилган бўлиши талаб қилинади.

Кўк массанинг намлик даражаси 65—75 процент бўлганида, жуда яхши зичлашади.

Очиқ ерда силос бостирилганда унинг устини беркитишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Анча кам миқдорда силос бостирилса устини тупроқ билан беркитиш мумкин. Бу тупроқ экскаватор ёрдами билан тўкилади ёнлари ҳам бульдозер ёрдамида суриб келтирган тупроқ билан тўсилади. Силос миқдори кўп бўлса устини тупроқ билан беркитиш қийин. Бундай ҳолларда силос устини майдаланган кўк масса билан жуда зичлаб бостириш усулини қўлланиш керак.

Силосни мумкин қадар тез бостирмоқ учун хўжаликдаги мавжуд механизация воситаларидан фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

А. АЛЕКСЕЕВА,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

РЕПОРТАЖ

ҲАЯЖОНЛАНМАЙ БУЛАДИМИ...

Футбол ўзбек халқи турмушига кенг кўламда жуда тез кириб бораётир. Ахир яқиндагина ўн минг киши аранг сиғадиган «Спартак» стадиони катта ўйинларда ҳам тўлар-тўлмас бўларди. Ҳозир эса минг-минглаб ўқувчилар, студентлар, ишчилар, колхозчилар, инженер ва техниклар, ҳатто қариялар ва ўзбек хотин-қизлари футбол кунини орзуқиб кутадиган, футбол мусобақасини зўр иштиҳақ билан кўрадиган бўлиб қолдилар.

Футбол деганда нўп ишқибозлар зарур ишларидан воз кечадилар, ҳатто баъзи бўйдоқлар севги ваъдаларини ҳам «унутиб» қўядилар.

6-июль катта футбол мусобақаси куни. Бу йилдан юқори классда ўйнаётган севимли командамиз «Пахтакор» мамлакат чемпиони москвалик динамочилар билан беллашади. Ватанимиз футболи техникаси ва тактикасини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган бу бой тажрибали мастерлар коллективи билан учрашув қандай бўларкин? Шу савол ўн мингларча ишқибозларни ҳаяжонлантиради.

Соат 19. Шаҳардаги ҳамма транспорт лиқ-лиқ тўла. Ҳамма стадионга шошилади. Ҳаммада бир истак — тезроқ стадионга етиб келса, тезроқ ўйин бошланса, зўр тамоша бўлса-ю, «Пахтакор» бир мўжиза кўрсатиб ютса, жуда бўлмаганда дуранг қилса!

... Қулоқларга ёқимли футбол ҳайқиқ, суръатни секинлатишга марши янграб кетди. Судья мухолифларни майдонга таклиф этади. Гулдирос қарсаклар остида олдин меҳмонлар, сўнг мезбонлар майдонга тушадилар. «Динамо» командаси капитани, марказий ҳимоячи — Крижевский, дарбозабон Беляев, ҳимоячилар — Мудрик, Глотов, ярим ҳимоячилар — Журавлев, Аничкин ва ҳужумчилар — Фадеев Численко, Урин, Федосов, Шаповалов сафларини тортиб турадилар. Майдон эгалари қуйидаги составда тушди: дарбозабон — Климов, ҳимоячилар — Моторин, Козенков, Шарипов, ярим ҳимоячилар — Тазетдинов (команда капитани), Юсупов, ҳужумчилар — Тимохин, Стаднин, Красницкий, Феофонов, Беляков.

Ўйин жуда тез суръат билан бошланди. Дастлабки минутлардаёқ меҳмонлар ҳисобни очишларига сал қолди — тўп дарбоза ёнгинтиладилар, лекин уддалайолмайдилар.

Кетма-кет қилинган штурмларнинг бири ниҳоят кутилган натижани берди. 28-минутда Красницкий Крижевский билан яккамаяккка олишувда ғолиб чиқиб, тўпни дарбоза томон олиб борди, зўр зарб билан тепади. Гол! Ҳисоб очилди. Стадион қарсак, ҳайқириқ овозларидан зириллайди.

Чемпионлар ҳисобни тенглаштириш учун бутун кучларини сафарбар этдилар, кенг майдон бўйлаб ҳужумга ўтдилар. Численко ва Шаповалов икки марта жуда қулай имкониятдан фойдаланаолмадилар. Урин 2 марта ҳимояни ёриб ўтади, лекин ҳар икки сафар ҳам Климов маҳорат билан ўйнаб, тўпни тутиб қолади.

Майдон эгалари ташаббусни яна қўлга олдилар. Аммо Стаднин билан Тазетдиновнинг сусткашлиги ўйланган тактиканинг амалга оширилишига тўсқинлик қилди.

Командалар 1:0 ҳисоби билан дам олишга чиқадилар. Иккинчи тайм бошиданоқ тошкентликлар яна штурмга ўтадилар. Биринчи минутдаёқ Красницкий икки марта дарбозани тўпга тутади, лекин мўлжал тўғри бўлмагани туфайли натижа чиқмайди. Учинчи минутда меҳмонлар ҳужумчиси Численко тўпни шериги Шаповаловга оширади, у эса қулай позицияда турган Уринга оширади ва Урин яқин масофадан тепиб тўпни дарбозага киритади. Ҳимоячиларимиз айби билан ҳисоб 1:1 бўлиб қолди.

Динамочилар ҳужумни яна кучайтирадилар. Уларнинг тўпни ўз шерига тез, бехато ва қулай ошириб бериши, мураккаб комбинацияларни усталик билан қўллаши — хуллас юксак техника ва маҳорати яққол кўриниб турибди. 14 минутда Климов дарбозаси яна жиддий хавф остида қолди. Дарбоза олдида кетма-кет тўп тепиши натижасида талатўп бўлиб кетди. Климов йиқилиб етолмади. Динамочилардан бири тўпни бўш қолган дарбозага тепади, лекин югуриб келган Козенков уни ўз вақтида қайтариб қолади. Шундан сўнг иккала дарбоза ҳам бир неча марта хатарли моментлардан тасодифан қутилади. Ҳисоб ўзгармайди. Агар Стаднин ва Тазетдинов ҳам астойдил ғайрат қилганларида «Пахтакор» футболчиларининг ғалаба қилиши мумкин эди.

Умуман, «Пахтакор» командаси бу мусобақани юксак савияда ўтказди. 90 минут давомида чемпионларга сира бўш келмади, балки кўп вақт устунлик қилиб турди. Икки тайм мобайнида 5 минут ҳам сокин, ланж ўйин бўлмади. Тамошабинлар ҳаяжони ниҳоясига чиқди, ҳислар доим тугён уриб турди. Шунинг учун ҳам ҳамма тамошабинлар ўз командаларидан миннатдор бўлдилар.

Шундай қилиб «Пахтакор» командаси 15 ўйиндан 13 очко тўплаб, ўз группасида саккизинчи ўринда бораётир.

* * *

Бу командалар дублёр составларининг учрашуви ҳам 1:1 ҳисоби билан дуранг бўлди.

З. ИСРОИЛОВ.

Ҳамма тезроқ боришга шошилади...

60 мингдан ортиқ тамошабин ҳаяжонининг чеки бўлмади.



Дарбозабон Беляев ночор қолди, тўп кириб кетди!

М. Нурнддинов фотолари.

Тошкент янгиликлари

«БУГУНГИ ПАРИЖ»

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти «Бугунги Париж» деган темада фото-виставка ташкил қилди. Виставкага қўйилган 70 га яқин энг яхши расмларни Франциянинг фото мухбирлари юборганлар.

Виставкани очишга бағишланган маросимда СССР — Франция жамияти правленнесининг аъзоси ўртоқ А. Бобохонов бу расмларни юборган Париж фото мухбирларига Тошкент аҳолиси номидан самимий миннатдорчилик билдирди. Сўнгра Тошкент чет тиллар педагогика институти француз тили факультетининг декани ўртоқ С. Усмонов йиғилганларга Францияга қилган сафарида олган таассуротларини сўзлаб берди.

Виставкага қўйилган фото суратларни кўздан кечирган киши ўзини кўҳна шаҳар — Парижнинг чиройли кўчалари ва ҳушманзара боғларида бўлгандек ҳис қилади. Виставка экспонатларини жамият биносининг залида 21 июлгача келиб кўриш мумкин.

АСҚАД МУХТОРНИНГ ЯНГИ РОМАНИ

Ўзининг «Олтин-сингиллар» китоби билан ўқувчилар муҳаббатини қозонган ўзбек ёзувчиси Асқад Мухтор яқинда янги романи — «Тугилиш»ни ёзиб тугатди. Романнинг дастлабки боблари «Шарқ юлдузи» журналида босилмоқда.

Ёзувчи бу романига ҳам давримиз қаҳрамони — ишчилар синфи қаётини асос қилиб олган. Романнинг темаси унинг номи билан ҳамоҳангдир. Асқад Мухтор ўз асарида республикамизда индустриянинг янги тармоқлари бунёдга келганлиги ва ишчилар синфининг янги авлоди вояга етиб, тарбияланаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК САНЪАТКОРЛАР

Республикамизда гастроль концертлари кўрсатаётган чехословак ёшлар ансамбли кеча Самарқанддан пойтахтимизга келди. 56 кишидан иборат бу коллектив чехословак миллий асбоблари оркестри, рақс группаси ва эстрада оркестридан иборат. Талантли санъаткор Зденек Смелий ансамблга раҳбарлик қилмоқда.

Қардош чех халқининг вакиллари Тошкент тамошабинларини ўз миллий музика асарлари ва рақслари ҳамда европалик бошқа композиторлар ижодининг намуналари билан таништирадилар. Чех ёшлари ансамбли концерти округ офицерлар уйининг ёзлик театри биносида 11 июлгача давом этади.

Чет элларда

Парижда оммавий митинг

ПАРИЖ, 6 июль (ТАСС). Франция Компартиясининг раҳбар арбоблари кеча кечқурун Париждаги «Мютюалита» залидаги оммавий митингда нутқ сўзлаб, улар ўз нутқларида ҳозирги замон халқаро аҳволининг асосий проблемалари юзасидан партия сиёсатини баён қилдилар.

Жак Дюкло ўз нутқини Жазоирга бағишлади ва Франция ҳамда Жазоир вакиллари ўртасида Меленда олиб борилган дастлабки музокаралар олдидан қилинган турли маневрлар ҳақида гапириб берди. Дюкло айтдики, ана шу музокараларнинг муваффақиятсизлиги учун масъулият бутунлай француз ҳукмрон доираларининг кирдикорларини қоралаб, бундай деди: «Биз, коммунистлар ишонамизки, икки системанинг — капиталистик ва социалистик системаларнинг тинч-тотув яшаши ва тинч мусобақаси Франция халқи, ватанимиз манфаатларига мосдир».

Сўнгра сўзга чиққан Франция Компартияси Марказий Комитетининг секретари Вальдек Роше ва Франция Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат Анри Мартэн меҳнаткашларнинг ўз ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун курашдаги вазифалари ҳақида ҳамда ёшларнинг аҳволи тўғрисида гапирдилар.

Коммунистик партиянинг ташаббуси билан Франциянинг бошқа шаҳарларида ҳам оммавий йиғилишлар бўлиб ўтди.

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ МУСТАКИЛЛИК ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 6 июль. (ТАСС). Парижда Африкадаги бир қанча давлатларга мустақиллик бериш тўғрисида музокаралар бошланди. Музокараларда бирдамлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг (Фил суяги қирғоғи, Юқори Вольта, Нигер ва Дагомея) вакиллари қатнашмоқдалар.

«Монд» газетасининг хабар беришича, Африкадаги бу мамлакатларнинг раҳбарлари ҳозирги вақтда ҳамкорлик ихтиёридаги, яъни Франция ихтиёридаги функциялар, ҳамкорлик тўғрисида келгусида олиб бориладиган музокаралардан қатъий назар, ўзларига берилиши лозим деб ҳисобламоқдалар ҳамда уларга шу йилнинг август ойи бошидаёқ мустақиллик берилишини талаб қилмоқдалар.

Айни вақтда Парижда Франция Экватор Африкасидаги тўртта собиқ мустамлака — Чад, Габон, Конго ва Марказий Африка Республикасини (собиқ Убанга-Шари территорияси) мустақил деб эълон қилиш ҳақида ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Хавфсизлик Кенгаши Сомали Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни тавсия этади

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгаши Сомали Республикаси ҳукуматининг Африкадаги ана шу янги давлатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги илтимосини қараб чиқди.

Хавфсизлик Кенгаши Италия, Англия ва Тунисниг Сомали Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни Хавфсизлик Кенгашига тавсия қилган резолюциясини қувватлади. Сомали мустақиллигининг эълон қилиниши ва бу давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиниши, деди СССР вакили А. Соболев Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида сўзга чиқиб, Африкадаги мустақил давлатлар оиласининг яна да кенгайишини билдиради ва бу билан, бутун Африка қитъасини мустамлакачилик зулмидан узил-кесил озод қилиш ишидаги прогресснинг давом этаётганлигини нишонлайди.

Киси ҳукуматининг жазо чоралари

ТОКИО, 6 июль. (ТАСС). Киси ҳукумати бугун япон халқининг 4,15 ва 22 июнда Япония-Америка «хавфсизлик шартномаси»га қарши митингларда ва намойишларда қатнашганлиги учун 12400 почта ходимининг жазоланишини эълон қилди. Ҳукумат асосий зарбани умумяпон почта ходимлари касаба союзи раҳбарлигига қаратиб, бу касаба союз марказий комитетининг ҳамма аъзоларини 6 ойгача муддат билан ишдан бўшатди. Касаба союз оддий аъзолари орасидан кўп кишининг иш ҳақи камайтирилди, улар жиддий огоҳлантирилди.

Ниигата, Акита ва Мориокадаги давлат темир йўлларининг маъмурияти ҳам жазо чоралари кўражаги ҳақида хабар қилди.

Ҳукуматнинг ана шу жазо чоралари муносабати билан умумяпония почта ходимлари касаба союзи қонунга хилоф жазо чораларига қарши баёнот чиқарди. Баёнотда айтиладики, Япония — Америка ҳарбий иттифоқига қарши ҳаракатда бутун япон халқи билан биргаликда қатнашган почта ходимларининг кураши адолатли кураш эди, чунки улар тинчликни ҳимоя қилиш учун, Киси ҳукумати оёқ ости қилган демократияни ҳимоя қилиш учун курашган эдилар. Биз, дейилади баёнотда, мамлакатимизда социалистик жамият қурилиши учун, «хавфсизлик шартномаси» га қарши, Киси ҳукуматининг дарҳол истеъфо бериши учун ва унинг тарафдорларига қарши охиригача кураш олиб борамиз.

ЭЙЗЕНХАУЭР КУБА ҚАНДИГА БУЛГАН КВОТАНИ КАМАЙТИРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг хабар беришича, президент Эйзенхауэр куба қандига бўлган квотани камайтириш юзасидан ўзига берилган ваколат ҳақидаги қонун лойиҳасини бугун имзолади ва шу ондаёқ квотани 1960 йил учун 700 минг тонна камайтирди.

УЧ ДАВЛАТНИНГ ЖЕНЕВАДАГИ ҚЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА, 5 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда инглиз делегати раислигида уч давлатнинг ядро қуроли синовларини тўхтатишга бағишланган кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

ОҚИЛОНА ДАЪВАТ

ЛОНДОН, 6 июль. (ТАСС). «Гардиан» газетаси ўзининг бугунги сонида атоқли инглиз философи Бертран Расселнинг хатини босиб чиқарди. Б. Рассел ўзининг бу мактубида Шимолий Атлантик Иттифоқидан Англиянинг чиқишини ёқлаб фикр билдирган. Рассел шу нарсани уқтириб ўтадики, ракета техникасини тараққий эттириш билан Англиянинг НАТО да қатнашуви мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамламайдигина эмас, балки, аксинча, уничг аҳолиси учун хавфни кучайтиради.

ИТАЛИЯДА ҚИММАТЧИЛИК УСИБ БОРМОҚДА

РИМ, 6 июль. (ТАСС). «Глобо» газетаси хабар беради: Статистика марказий институтининг маълумотларига кўра, 1960 йил май ойининг охирида Италияда қимматчилик ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 2,8 процент ўсган.

АҚШДА БОЛАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ УСИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Сенатнинг болалар жиноятчилиги масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссиясининг маълумотларига қараганда, 1958 йилда Америка Қўшма Штатларида икки миллион кишига яқин вояга етмаган болалар қамоққа олинган. Кичик комиссиянинг докладида шу нарса кўрсатиб ўтиладики болалар томонидан қилинган жиноий ишларнинг 25 процента шу қадар жиддий жиноятларки, бу ишлар судда қараб чиқилиши лозим.

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети область Совети депутатларига маълум қиладики, 1960 йил 12 июлда меҳнаткашлар депутатлари область Советининг еттинчи сессияси чақирилади.

Сессияда «Область йўл хўжалигининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Сессия Ўзбекистон Давлат эстрадаси (Навоий кўчаси 55 уй) биносида эрталаб соат 10 да очилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VII да **Концерт**, 9/VII да **Трубадур**.

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ — Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида: 8/VII да **Қайнона**, 9/VII да **Хонсхон**, Муқимий номли театрнинг ёзги биносида: 8/VII да **Фарғона ҳикояси**.

Салом, доктор! — «СПУТНИК» (2-зала), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минутда).

Акуланинг тиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 9-20 минут ва 10-40 минутда).

12 очко ҳақида эртак — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Ўғлим уйланади — «ВАТАН» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да)

Қочоқлар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Юборилмаган хат — «ИСКРА» (кеч соат 9-10 минут ва 11 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 2, 4 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Қутлуғ қон (ўзбек тилида) — (кеч соат 9-10 минутда). **Жаннат қушчалари** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

Қишки фантазия — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Уруш ва тинчлик (2-серия) — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9 яримда).

«Комета» матроси — ПУШКИН номли (кеч соат 10-50 минутда).

Қасос — «УДАРНИК» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Телевизор экранида

8 ИЮЛДА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Ёш ленинчилар байрами» деган эшитириш.

19.45. Халқаро масалалар юзасидан ўзбек тилида эшитириш.

20.00. М. Горький номли театрдан «Кичик студент қиз» спектакли олиб кўрсатилади.

Танаффус вақтларида сўнгги ахборот.

СССР финалга чиқди

Ўтган чоршанба куни Франциянинг Марсель шаҳрида футбол бўйича Европа кубоги учун СССР ва Чехословакия терма командалари ўртасида ярим финал мусобақаси бўлди. Ўйин бошдан охиригача жуда кескин спорт курраши вазиятида ўтди. Совет Иттифоқи командаси составида Яшин, Чохели, Маслемкин, Крутиков, Нетто, Войнов, Метревели, Иванов, Понедельник, Бубукин ва Мески ўйнади. Учрашувнинг 35-минутида В. Иванов ҳисобни очди. Танаффуддан сўнг совет футболчилари яна икки тўп киритдилар. Бу тўпларни Иванов ва Понедельник урди. Чех спортчиларининг шиддатли ҳужумлари натижа бермади. СССР терма командаси дарбозасига қараб тепилган 11 метрлик штраф тўпи ҳам мўлжалга бормади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи терма командаси 3:0 ҳисоби билан ажойиб ғалабани қўлга киритиб, финалга чиқди.

Парижда бўлган иккинчи ярим финал мусобақада Югославия футболчилари Франция командасини 5:4 ҳисоби билан ютдилар.

СССР — Югославия командалари ўртасидаги финал учрашуви 10 июлда Франция пойтахтида ўтказилади.

Шифобахш „Чинобод“

Атрофи қалин дарахтлар билан ўралган асфальт йўлдан кираверсанг, ўзингизни ўрмонда юргандек ҳис қиласиз. 25 гектар майдонни эгаллаган бу соя-салқин ва ҳушманзара жойда «Чинобод» санаторийси жойлашган! Олдинги ганчдор равондан 10-корпусга киридик. Шинам ётоқ вестибюлнинг икки томонига оппоқ гилоф сирилган диван қўйилган. Ўртада стол, бурчакда тош ойна. Узун гилам дорожка тўшалган коридордан борар экансиз, тувакларидаги хилма-хил очилган гулларга беихтиёр тикилиб қоласиз.

Хоналардаги мебеллар дид билан жойлаштирилган. Оппоқ оддеаллар, мошиқдек ястиқлар билан ясатилган кроватлар хоналарнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Санаторийнинг ҳамма корпуси ана шундай безоклик.

Медицина соҳасидаги янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш ва профилактика корпусидамиз.

— Мана шу стационар деотермия аппарати, электр массажлар диска аппарати, шу йил келтирилди, — деди санаторий врачи ўртоқ Маҳмудов. — Санаторийимизда ошқозон ва ичак касаллари билан бирга жигар касалликлари ҳам даволанади.

— Қўллари дард кўрмасин, шу ерга келиб дардимга даво топдим, — дейди Қўқон шаҳридан келган шахсий пенсионер Турсун опа Отажонова мамнуният билан. — Бундан 3 йил аввал қатгиқ оғриб қолдим. Бу ерга келтиришганда аҳволим жуда оғир эди. Жасадим кичрайиб, ёш боладек бўлиб қолдим. Тортиб кўришса 34 килограмм келибман. Уч йилдан бери ҳар йили келиб шу ерда даволанаман. Мана ўзингиз кўриб турибсиз. Соғлигим яхши, иштаҳам жойида. Энди тамомила соғайиб кетдим, десам бўлади. Врачларни айтмайсизми! Дори кишига дармон киритса, врачларнинг меҳрибонлиги, ҳушмуомаласи руҳингни тетик қилади. Санаторий ходимларидан, айниқса мени даволаб келаётган, энди ўз фарзандимдек бўлиб қолган М. Абдуллаевадан беҳад миннатдорман.

Даволанувчилар миннатдорчилигининг чеки йўқ.

Бу ерда ҳар йили икки ярим мингдан ортиқ киши келиб даволанар экан. Улар Абдуллаева сингари меҳрибон врачлар Ш. Тошмуҳамедов, Е. Абгарова, М. Мартинова, А. Маҳмудовларнинг хизматидан жуда мамнун. Беморларнинг диагнозини аниқлаш, уларни медицинада топилган янги дори-дармонлар билан даволашда профессорлардан Н. И. Исмоилов, Ж. Н. Масумов, доцент Н. Мажидовларнинг хизматлари катта.

Санаторийдагиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма имкониятлар мавжуд. 300 кишилик ёзги кинотеатр, кутубхона, спорт ва танца майдони, чойхона, биллиардхона ишлаб турибди. Ҳар ойда турли темаларда камида саккизта лекция ўқилади.

Санаторийда Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидан меҳнаткашлар келиб даволаниб, дам олиб кетишади. Шунинг учун ҳам санаторийни кенгайтириш соҳасида кўп ишлар қилинаяпти. Шу йилнинг ўзида 75 койкалик бир корпус қурилди, яна 300 кишилик механизациялаштирилган ошхона яқин ойлар ичида ишга туширилади. 1961 йилда эса битта даволаш-профилактика корпуси, қишки клуб қуриш планлаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо, ҳар тўқисда бир нуқсон деганларидек Киров район советининг бепарволиги оқибатида санаторийнинг ҳовлиси анча йилдан буён ўткинчи йўл бўлиб қолган. Чунки санаторий ёнидаги ишчилар шаҳарчасида яшайдиган аҳолининг юрадиган Гвардейский кўчасининг тротуари йўқ, кўча эса неча йиллардан буён ремонт қилинмаганлигидан ўнқир-чўнқир бўлиб, қишда лой, ёзда эса тупроғи ўйнаб ётади. Шу кўчани ремонт қилиб бериш масаласи бир неча йилдан бери кўтарилади. Ўтган йили республика қурилиш министри, депутат ўртоқ С. Иброҳимов ҳисобот берганида, «шу масала билан шахсан ўзим шуғулланаман» деб ваъда берган эди, лекин ваъда ҳамон ваъдалигича қолиб турипти.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, айниқса шу санаторийда профилактика-даволаш ишини олиб бориш учун минерал сув жуда зарур. Аммо санаторийда шу нарса етишмайди, шишада келтирилган минерал сувдан фақат ичиш учун фойдаланиш мумкин. Ошқозонни ювиш, беморларга ванна белгилаш имконияти йўқ. Вақоланки, бунга имконият яратиб берса бўлади. Бундан бир неча йил муқаддам геология-разведкачилар ҳамда олимлар санаторий территориясида минерал сув борлигини аниқлашган эди, лекин бунинг учун республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг ёрдами керак. Аммо министрлик бу ишга ҳалигача жиддий эътибор бергани йўқ.

Ана шу камчиликлар ҳам бартараф қилинса «Чинобод» санаторийси чиндан ҳам бекамиқўст даволаш муассасасига айланади.

З. АХТЯМОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115 Эълонлар бўлиши — 28142.

Р. 01936. «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1833.